O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 28-yanvar, 2009-yil • №5 (611) • 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan • e-mail: hurriyat@mail.ru • www.uzhurriyat.uz

КИЙИНИШ ҲАМ ОДОБ, ҲАМ АХЛОҚ

Маълумки, халқимиз бутун жаҳонда гўзал хулқи билан ҳам шуҳрат қозонган. Меҳмоннавозлик, олижаноблик, меҳр-мурувват, саховат, раҳм-шафқат, олмос тафаккур — буларнинг бари ахлоқимизда мужассам. Баайни шундай экан, кийинишимиз ҳам шунга яраша бўлиши лозим. Зеро кийиниш — гўзал хулқнинг безагидир.

⇨ 3-бет

ОДАМ ГАВҲАРИ ЛАТИФДИР

Ўз даврининг етук диний пешвоси, Мовароуннаҳрда ҳамиша тинчлик ҳоким бўлиши учун курашган, топган молу давлатини халқ йўлида нисор қилган Хожа Убайдуллоҳ (Хожа Аҳрор Валий)нинг ҳам Шайх Хованди Таҳурга ҳурмати чексиз эди. Ҳатто 16-17 ёшлардаги Хожа Аҳрор кечалари уйидан чиқиб кетиб, йўқолиб қолса, онаси уни Шайх Хованд қабри ёнидан топарди.



⇨ 6-бет

МАҲОРАТ МАКТАБИ ЯРАТГАН АДИБ

Мирзакалон Исмоилийнинг истеъдоди бадиий таржима соҳасида янада яққол намоён бўлди. Унинг ижодий фаолиятида ўзбек таржимачилигининг ярим асрлик тараққиёт йўли ўз аксини топганди. Афсуски, устознинг бой мероси, ижодий тажрибаси шу маҳалгача етарли даражада ўрганилмади.

⇨ 7-бет

БУГУН — "ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ" МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИГА 17 ЙИЛ ТЎЛДИ

САМОНИ ЗАБТ ЭТАЁТГАН ПАРВОЗЛАР

Давлатимиз байроғининг акси туширилган ва бағрига UZBEKISTAN деб ёзилган самолётлар самони тўлдириб учганда, дунёнинг чекка ҳудудларида парвозга шайланаётган лайнерларда соф ўзбекча ширин каломлар янграганда қайси ватандошимизнинг кўнгли фахр ва ифтихорга тўлмайди, ширин энтикиш билан истиқлолга шукроналар келтириб, унга таҳсинлар айтмайди, дейсиз. Бизга шу ғурурни бахшида этаётган соҳа ходимларининг бир кунлик фаолиятини эса катта жасоратга менгзаш мумкин.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин дунёнинг ривожланган давлатлари билан барча соҳаларда тенг ҳуқуқли ҳамкорлик йўлга қўйила бошланди. Бу ўз-ўзидан фуқаро авиацияси тизимида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар ўтказишни тақозо этарди. Шу боис 1992 йил 28 январь куни Президентимиз И.Каримов "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонга имзо чекди. Мазкур Фармон парвозлар хавфсизлиги ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларининг сифатли бажарилиши сингари устувор йўналишлар аниқ белгилаб берилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Дастлаб анча эскириб қолган Ил-62, Ил-86, Ту-154 самолётлари аста-секин фойдаланишдан чиқарилиб, уларнинг ўрнига жаҳон авиация саноатининг энг замонавий, қулай ва тежамкор ҳаво лайнерлари олиб келинди. Ўзбекистон Миллий авиакомпаниясининг рамзи туширилган биринчи А-310 самолёти 1993 йилнинг июнь ойидан парвоз қила бошлаганини ҳам фахр билан таъкидлаш лозим. Бугунга келиб, авиакомпанияда B-767-300ER, B-757-200, A-310, RJ-85 ҳамда ватанимизда ишлаб чиқарилган Ил-114-100 русумидаги самолётлардан фойдаланиб келинмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Ижод аҳлига юксак рағбат

"Олтин қалам" IV Миллий мукофоти танловининг умумий жамғармаси 100 миллион 944 минг сўмни ташкил этади

"Олтин қалам" Миллий мукофоти танлови мамлакатимизда 2006 йилдан бери ўтказиб келинмоқда. Унинг натижаси ҳар йили 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида эълон қилинади. Танлов халқаро журналистика соҳасида — телевидение, радио, матбуот ва интернет журналистикаси йўналишлари бўйича ўтказилади. Унинг битта номинацияси чет эл журналистлари учун мўлжалланган.

Танлов Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позициясини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда ижодий фаолиятга янгича ёндашишларни шакллантириш мақсадида ўтказиб келинмоқда. Маълумки, БМТ Бош ассамблеяси 3 майни Жаҳон матбуоти эркинлиги куни, деб эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилган. Шу боис ҳар йили мазкур танлов натижалари айнан шу куни оммавий ахборот воситаларида маълум қилинади. Танлов нуфузи эса йилдан-йилга ошиб бормоқда. Масалан, агар биринчи Миллий мукофот учун танлов 13 та (3 та асосий ва 10 рағбатлантирувчи) номинация бўйича ўтказилган бўлса, II Миллий мукофот учун танловда 25 та (1 та бош, 12 та асосий ва 12 рағбатлантирувчи) номинация ташкил этганди. III Миллий мукофот танловида рағбатлантирувчи номинация иккитага кўпайди.

Яқинда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танлов ташкилий қўмитасининг навбатдаги IV Миллий мукофот танловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов олиб борди. Тадбирда кун тартибидаги масала юзасидан бир қатор ташкилот раҳбарларининг ахбороти тингланди.

Жорий йилда танловнинг рағбатлантирувчи номинациясига бир неча янги номинациялар киритиладиган бўлди. Улар — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишланган энг яхши материал учун ҳамда Энг яхши матбуот хизмати учун деб номланди.

Жорий йилдаги танлов жамғармаси жуда салмоқли — 100 миллион 944 минг сўмни ташкил этади. Бу ўтган йилги мукофот жамғармаси маблағидан қарийб 40 миллион сўм кўп демакдир. Бундан ташқари бир қатор халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари томонидан ҳам турли мукофотлар таъсис этилган.

Йиғилишда ташкилий қўмитанинг иш режаси ҳам тасдиқланди. "Олтин қалам" IV Миллий мукофоти танловини ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда унинг ғолиблари ва совриндорларини тантанали равишда мукофотлаш бўйича ишчи гуруҳи тузилди.

Ҳосил КАРИМОВ

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Журналистика соҳасида "Олтин қалам" IV Миллий мукофоти



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" IV Миллий мукофоти учун халқаро танловини ўтказади.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2008 йилнинг 31 мартидан 2009 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2009 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуеткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1-, 2-, 3- ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио – 1-, 2-, 3- ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот – 1-, 2-, 3- ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика – 1-, 2-, 3- ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:

журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;

фаол фуқаролик позицияси учун;

ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"га бағишланган энг яхши материал учун;

маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;

ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги энг яхши материал учун;

энг яхши журналистик текширув учун;

мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;

энг яхши режиссёрлик иши учун;

энг яхши матбуот хизмати;

энг яхши фоторепортаж учун;

энг яхши карикатура учун;

чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуетка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле, радио, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;

паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:
Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар.
Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87. www.journalist.uz

НУҚТАИ НАЗАР

Ўйиннинг зўрини энди кўрамиз

ёки "Бунёдкор" жамоаси босиб ўтган йўл ва ўзбек футболи хусусида айрим мулоҳазалар

Бугун замонавий футболда ҳар қандай жамоа рақибини мағлуб этиш учун бор имкониятини ишга солмоқда. Футболчиларнинг ҳаракатлари бир ёқда қолиб, майдонда ғоялар, фикрлар, дунёқарашлар ғалаба учун курашмоқда. Катта миқдордаги пуллар, ҳисобсиз ҳадя ва инъомлар ва бошқа ғайритабиий ҳодисалар ҳам ҳар қандай учрашувга, ҳар қандай жамоага ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Айниқса, XXI асрга келиб, дунё футболида жуда катта моддий маблағ эвазига тасодифий воқеалар содир бўлмоқда. Таъбир жоиз бўлса, миллионлар ўйини — футбол катта бизнесга айланди. Бундай ҳолатлар юртимиздаги клубларни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Буни пойтахтимизнинг "Бунёдкор" жамоаси мисолида янада яққол кўриш мумкин.

Тўғри, "Бунёдкор" футбол клубининг ҳозирча мухлисларга очилмаган қирралари кўп. Айтайлик бор-йўғи уч йил ичида Ўзбекистон чемпионати олий лигасига чиқиши, бунинг устига олий лигада иккинчи мавсумдаёқ мамлакат кубогини ва чемпионлигини қўлга киритиши ҳақиқатан ҳам кўпчиликни ҳайратга солди. Аммо бу ҳали жамоанинг мукаммаллигидан дарак бермайди. Боиси, ўтган йиллар давомида бир-икки бор мамлакат чемпионати олий лигасида тўп суриб, қуйи лигаларга тушиб кетган жамоаларни ҳам кўп кўрганмиз. Бу билан "Бунёдкор" жамоаси ҳам эрта-индин кучлилар қаторидан қуйи лигага тушиб кетади демоқчи эмасмиз. Аксинча, миллионлаб футбол ишқибозларининг бу жамоадан умиди катта.

5 »

ДУНЁ СИЁСАТИ

Инқирозга ким сабабчи?

Буюк Британиянинг The Guardian газетаси жаҳон иқтисодий инқирозининг келиб чиқишига сабабчи бўлган шахслар номини эълон қилди.



Газетадаги рўйхатда АҚШ Федерал резерв тизими раҳбари Алан Гринспен асосий айбдор сифатида кўрсатилган. Эслатиб ўтамиз, Гринспен ўтган йилнинг кузида инқироз доираси бунчалик кенгайиб кетишини ҳисобга олмаганини ва бу бўҳронни "банклар ўзи ҳал эта олади" деб хато қилганига иқрор бўлганди.

Нашрнинг ёзишича, инқирознинг келиб чиқишида "Оқ уй"нинг собиқ хўжайини Жорж Буш ҳам айбдор. Бу рўйхатдан, шунингдек, Британия бош вазири Гордон Браун, Исландия бош вазири Гейра Хорде ва яна бир қанча молия корпорациялари раҳбарлари ҳам ўрин олган.

АҚШда бошланган бу инқироз кўплаб мамлакатлар иқтисодига жиддий таъсир кўрсатди. Халқаро Валюта фонди прогнозларига қараганда, инқироздан жаҳон мамлакатлари 1 триллион 400 млн. доллар миқдорида зарар кўриши мумкин.

5 »

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

АНЖУМАН

Мамлакатимиз ёшларининг дунёқарашини, Ватанга садоқати ва эътиқодини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳаётга соғлом муносабатини шакллантириш, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади.

Матбуот ва давр

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" меҳмонхонасининг муҳташам залида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда бир неча нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг мамлакатимиз Конституциясининг 16 йиллиги муносабати билан қилган маърузасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, қатор вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, сиёсий партиялар, халқаро ташкилотлар ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари раислари, республика оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Анжуманда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов сўзга чиқиб, Юртбошимиз маърузасида оммавий ахборот воситалари олдига қўйилган вазифаларнинг мазмун-моҳияти, ундаги устувор вазифаларни чуқур англаш ва улардан кўзланган мақсад-вазифаларни аҳолининг кенг қатламларига етказишда журналистларнинг масъулиятини ошириш масалалари ҳақида алоҳида тўхталди.

Тадбир доирасида «Ёшлар йили» Давлат дастурининг бажарилиши — ёшлар манфаатларини таъминлашнинг муҳим омили» мавзуида давра суҳбати уюштирилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Хуршид Дўстмуҳамедов, "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги бош директори Саъдулла Ҳакимов ва бошқа таниқли журналистлар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда барча жабҳаларда изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар Ватанимиз тараққиётида, аҳоли фаровонлигининг тобора ошиб бораётганида, қишлоқ ва шаҳарларимиз янгича қиёфа касб этаётганида ўзининг ёрқин ифодасини топаётганини таъкидладилар.

Анжуманда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Жамолиддин Ҳакимов фонднинг фаолияти ва келгуси режалари, халқаро ташкилотлар билан алоқалари, ОАВларининг жамиятда тутган ўрни, улар билан жамоат фондининг ҳамкорлиги масалалари хусусида атрофлича сўз юритди. Ўз навбатида грант асосида тайёрланган "Оммавий ахборот воситалари фаолиятидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами", "Ёшлар медиа тармоғи", "Иқтисодий ҳамкорлик медиа тармоғи", "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси "UzMobile" филиали ҳамкорлигидаги "Журналист" корпоратив таърифи лойиҳасининг тақдимоти тадбир иштирокчиларида катта тассурот қолдирди.

Анжуманда 2008 йилда матбуотда эълон қилинган қатор танловларнинг натижалари ҳам эълон қилинди. Унга кўра "Ўзбекистон – менинг Ватаним" кўрик-танловида: «XXI аср газетаси» мухбири Акмал Тошев, «Нур» газетаси мухбири Беҳбуд Ботиров, «Андижон ёшлари» газетаси мухбири Маъмуржон Саидхонов, "Молодежь Узбекистана» газетаси мухбири Гулбаҳор Азимова, «Маърифат» газетаси мухбири Беҳзод Фазлиддинов, «Тонг юлдузи» газетаси мухбири Сайёра Жўраева, «Жамият» газетаси мухбири Содиқ Норбоевлар муносиб тақдирландилар.

«Келажак овози – 2008» республика танловини ёритиш бўйича эса «Чирчиқ» газетаси бўлим мудири Марина Юсупова, «Туркистон» газетаси мухбири Уйғун Рўзиев, «Ҳордиқ» газетаси мухбири Ойдин Юлдошева, «Қарақалпақстан жаслары» газетаси мухбири Жамила Емберғенова, «Жамият» газетаси мухбири Жасур Кенгбоев, "Жиззах овози" газетаси мухбири Раҳматулла Юнусов, «Регион Информ» ахборот хизмати, «Келажак овози» газетаси таҳририятлари ғолиб деб топилди.

«Эътироф – 2008» танловида эса «XXI аср», «Бизнес Вестник Востока», «Хива тонги», «Тошкент ҳақиқати», «Тошкентская правда» газеталари ҳамда «Саодат», «Гулхан», «Ёш куч», «Infocom. uz» журналлари ғолиблар сифатида эътироф этилди.

Танлов ғолиблари муносиб тақдирланди.

Адиба УМИРОВА

ҲУҚУҚ

Тадбиркор — давлат ҳимоясида

Тадбиркорликни ривожлантириш ҳамма замонларда ҳам жамият равнақи, халқ фаровонлигини таъминлаш ҳамда барқарор иқтисодиётни яратиш учун хизмат қилган. Мазкур тамойилга асосланган ҳолда мамлакатимизда эркин тадбиркорлик фаолиятини қарор топтириш борасидаги ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг тўлиқ ҳимоя қилинишига қаратилган барча ҳуқуқий асослар яратилиб, уларнинг эркин фаолият юритишлари учун кенг имкониятлар яратилди.

Мана шу имкониятларни ҳаётга тўла татбиқ этишда мутасадди идораларга катта масъулият юклатилган. Тан олиш керак, ўтган 2008 йилда ҳам тадбиркорларимизнинг эркин фаолият юритишлари учун бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Адлия вазирлиги томонидан кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, рўйхатдан ўтказувчи ва назорат қилувчи органларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этишларини таъминлашга қаратилган аниқ тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларнинг бажарилиши юзасидан зарурий чоралар кўрилди.

Рақамаларга мурожаат қиладиган бўлсак, республика адлия органларига ўтган йил давомида тадбиркорлик субъектларидан жами 1623 та шикоят келиб тушган. Улардан 1378 таси кўриб чиқилиб, қонуний ҳал этилди, 189 таси бошқа мутасадди идораларга юборилди. Мазкур рақамларнинг ўзиёқ тадбиркорларимиз томонидан адлия идораларига бўлган ишончнинг ортаётганидан ҳамда уларнинг ҳуқуқий маданияти юксалаётганидан далолат беради.

Таъкидланганидек, адлия органларининг асосий эътибори, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тақдимномалар киритиш йўли билан ёки суд тартибида тўлиқ тиклашга, қонун бузилишида айбдор мансабдор шахсларнинг жавобгарликка тортилишини ҳамда тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ ундириб берилишини таъминлашга,шунингдек, ноқонуний қарорларни бекор қилиш ёки ижросини тўхтатишга қаратилмоқда.Инчунун, ҳисобот даврида адлия органлари томонидан 1794 та тақдимнома, 899 та огоҳнома ва 214 та кўрсатмалар киритилди. Ушбу таъсир чоралари натижасида 2575 та мансабдор шахслар интизомий жавобгарликка тортилди, шу жумладан, 171 таси эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Кўрилган чоралар натижасида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаб қўйган давлат бошқарув идораларининг 660 та ноқонуний қарорлари бекор қилинди ва ижроси тўхтатилди.

Юқоридаги рақамларнинг ўзи айрим мутасаддилар томонидан қонунлар онгли равишда бузилаётганини кўрсатмоқда. Масалан, Навоий вилояти адлия бошқармасига Томди туманида фаолият кўрсатаётган "Баҳаши" фермер хўжалиги раҳбари Ю.Мавлонов ўтган йили сентябрь ойида ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг қарори билан умумий овқатланиш ошхонаси қуриш учун ажратилган ер майдонида ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими томонидан қурилишга рухсат берилмаётганини билдирган. Ушбу ҳолат юзасидан ўтказилган ўрганишда аризада келтирилган ҳолатлар ўз тасдиғини топгани сабабли, Томди туман ҳокимлигига тақдимнома киритилиб, унга асосан туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Д.Сахиевга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилди.

Бундан ташқари, Самарқанд вилояти адлия бошқармаси томонидан Қўшработ туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси фаолияти ўрганилганда, 18 та якка тартибдаги тадбиркорлардан жами 454.700 сўм ортиқча маблағлар ундирилгани аниқланди.

Ушбу ҳолат юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судига 454.700 сўм ортиқча ундирилган йиғимни қайтариш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳар бирига 50.000 сўмдан жами 900.000 сўм маънавий зарарни ундириш тўғрисида даъво ариза киритилди.

Мамлакатимиз миқёсида бу борадаги хатоликларга йўл қўйган 260 та мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди, 10 нафар мансабдор шахсларга нисбатан эса жиноят иши қўзғатилди.

Шунингдек, ҳисобот даврида адлия органларининг ташаббуси билан салкам 7 млрд. сўмлик даъво аризалари қаноатлантирилди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатларини зудлик билан аниқлаш ва қонуний чоралар кўриш мақсадида Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги идораларида мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ тадбиркорларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги кун сайин ошаётганини кўрсатмоқда.

Яна рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, амалга оширилган тарғибот ишлари натижасида ҳисобот даврида адлия идораларидаги мавжуд "Ишонч телефон"ларига жами 1205 та мурожаатлар келиб тушди. Ана шу мурожаатларнинг салкам 40 фоизи бўйича хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари тўлиқ тикланди.

Шунингдек, биржа савдолари, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, шартномалар тузиш, шартномавий мажбуриятларни бажармаслик, ер ажратилишида жойларда юзага келган ноқонуний ҳолатлар бўйича адлия идоралари хўжалик юритувчи субъектларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб, уларнинг бузилган ҳуқуқларининг тикланишига яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда.

Бу қонуний ҳаракатлар асосида тадбиркор ўз фаолиятини қайта тиклаши ва албатта, иқтисодиётимиз ривожига самарали ҳисса қўшишига эришилмоқда. Адлия идораларининг асосий вазифаларидан бири аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга қаратилган. Хусусан, тадбиркорларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини янада яхши англашлари учун амалий тадбирларга катта эътибор қаратилганини таъкидлаш лозим.

Тизим муассислигида чоп этиладиган "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетасида "Адлия ёрдам берди" рукни остида тадбиркорларни қизиқтирган саволларга мунтазам равишда жавоб бериш йўлга қўйилди.

Адлия вазирлиги томонидан тадбиркорлик фаолиятини юритиш истагида бўлган фуқаролар ҳамда рўйхатдан ўтказувчи идоралар ходимларига мўлжалланган "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишга оид қонун ҳужжатлари" тўплами, "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ҳамда рухсатномалар беришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами" ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда "Текширишлар "А дан Я гача" номли рисола чоп этилди.

Шунингдек, мамлакатимиздаги айрим назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилаётган ноқонуний текширишларнинг олдини олиш мақсадида вазирлик ахборот хизмати томонидан видеоролик тайёрланиб, марказий ва маҳаллий телевидениелар орқали эфирга узаталиши йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси юртимизда тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларига яратилаётган қулайликлардан бири дейиш мумкин.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эътироф этилган жорий йилда ҳам тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш адлия идораларининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш бугунги кунда энг катта аҳамиятга эга бўлган вазифалардандир.

Тўрабек ТЎРАЕВ,
Адлия вазирлиги ахборот хизмати раҳбари.

ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЙМОҚДА

"Қорақалпоқғўштсавдо" очиқ акционерлик жамиятининг туманларда 32 та дўкони мавжуд бўлиб, уларда аҳолига озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш ишлари яхши йўлга қўйилган.

Корхонада ўтган йили 400 тоннага яқин нон, колсаба, макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Маҳсулот сифатини янада яхшилаш мақсадида Россиядан энг замонавий технологиялар олиб келиниб, қолипли нон (буханка), батон ва бошқа нон турлари ишлаб чиқарила бошланди. Жорий йилда эса Кегайли ва Қўнғирот туманларида ҳам мини марказлар очилди. Нукус шаҳрида янги новвойхона фойдаланишга топширилди.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
"Hurriyat" мухбири.

"ИЖОДИМИЗ ҲАҚИДА ГАПИРСАК"

Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида шу номдаги тўпламнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Ундан ўз ижодий услуби ва йўналишини топиб, тасвирий ва амалий санъат дунёсига кирган етмиш тўрт нафар ёш ижодкорнинг асарлари, ижод ҳақидаги фикр-мулоҳазалари жой олган. Тўпламга киритилган ёш ижодкорларнинг барчаси ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлишга ҳаракат қилаётган ва халқаро миқёсдаги нуфузли кўргазма ҳамда фестивалларда иштирок этаётган йигит-қизлардир.

Ўзбек рассомларининг кейинги йилларда самарали ижод қилиб янги-янги ютуқларни қўлга киритаётганлиги бу соҳага кўплаб ёш истеъдодлар кириб келаётганидан далолат беради.

Ситора ТОЖИДДИНОВА,
"Hurriyat" мухбири.

ХАЛҚ ДАСТУРХОНИ ТЎКИН БЎЛСИН

Асака туманидаги «Парпи саховати» чорвачилик-паррандачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги томонидан мактабгача тарбия муассасалари, касалхоналар ва савдо тармоқларига шартнома бўйича кунига етти мингдан ошиқ тухум етказиб берилмоқда.

Хўжаликда 12 мингга яқин «Ломен-Браун» наслли товуқлар боқилади. Бундан ташқари, хўжаликда сут маҳсулотлари ва Хитой қурилмалари билан жиҳозланган иккита иссиқхонада полиз маҳсулотлари ҳамда кўкатлар етиштириш йўлга қўйилган.

Саноат ТОЖИБОЕВА,
"Hurriyat" мухбири.

ҲОКИМЛАР ЎҚУВИ

Айни кунларда мамлакатимизнинг Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қарши ва Урганч шаҳарларида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимлари иштирокида минтақавий семинарлар ўтказилмоқда.

Ҳокимлар ўқувига Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа мутасадди идора ва ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислар жалб этилган. Ўқув семинарда Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридан 73 нафар раҳбар ходимлар иштирок этмоқда. Республика миқёсида барча ҳудудларда бўлиб ўтадиган семинарларда жами 265 нафар маҳаллий раҳбарларнинг малака ошириши кўзда тутилган.

Ислом СУЛТОНОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЯНГИ ҚЎЛЛАНМА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги Қонунига шарҳ" қўлланмасининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Унда Тошкент давлат юридик институти профессор-ўқитувчилари, амалиёт ходимлари, реклама агентликлари, фаол тадбиркорлар иштирок этди.

Мазкур қўлланма «Реклама тўғрисида»ги Қонун»ни амалиётга кенгроқ татбиқ этиш мақсадида Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамкорлигида нашрдан чиқарилди. Қўлланмада реклама муносабатларини тартибга солувчи қонуннинг ҳар бир моддаси, унинг таркибий қисмлари якка тартибда олиниб, чуқур таҳлил қилинган.

Элбек ЖУМАНОВ,
"Hurriyat" мухбири.

МУРУВВАТ

Муҳтож ва кам таъминланган оилаларга мурувват кўрсатиш халқимизнинг азалий хислатларидан биридир. Нукус туманидаги "Мақсет боймоқли" фермер хўжалиги ҳисобидан 1-гуруҳ ногирони Ж.Юсуповга махсус ногиронлик аравачаси совға қилинди.

Шунингдек, ушбу тумандаги "Арбачи" овул фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Н.Тилсўмуратова хонадонига бинта сипир "Маҳалла" жамғармаси ҳисобидан топширилди.

Матёқуб НАРЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

Самони забт этаётган парвозлар

(Бошланиши 1-бетда.)

В.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси жорий йилда миллий авиаташувчига 5 та Ил-114-100 самолётини етказиб беришни режалаштиргани ҳам қувонарли ҳолдир.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясига ишонч билдираётган йўловчилар сонининг тобора ортиб бораётганини ҳам авиация фаолиятида зарур бўлган барча технологик талабларнинг қатъий бажарилиши, йўловчиларга кўрсатилаётган малакали хизмат ва энг асосийси, парвозлар хавфсизлигининг тўлиқ кафолатлангани билан ҳам изоҳлаш мумкин. Компаниянинг шу кунгача босиб ўтган 17 йиллик фаолиятига назар ташласак, ҳар йили янги-янги марралар забт этилаётганига гувоҳ бўламиз. Мисол учун биргина ўтган йилнинг ўзида авиакомпания 2 миллион 69 минг 343 нафар йўловчининг узоғини яқин, мушкулни осон қилишга кўмаклашди. Яъни, ташкил этилганидан буён бир йилда илк бор 2 миллиондан ортиқ фуқарога хизмат кўрсатди. Ташилган юклар миқдори эса сезиларли миқдорда ошди. Шунингдек, якунланган йилда авиакомпания ўз йўловчиларига янги — электрон билет хизматини таклиф этгани ҳам юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ёрқин ифодаси бўлди.



Шу ўринда яна бир муҳим лойиҳа ҳақида тўхталиш жоиз. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 декабрдаги "Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ Навоий аэропортини дунёда юк авиаташувлари борасида етакчи ўринларда турадиган Korean Air авиакомпанияси бошқарувига топшириш ҳақида битим имзоланди. Бу ҳужжат нафақат воҳа, шу жумладан, мамлакатимиз тараққиётига ҳам ўз ҳиссасини қўшишига шубҳа йўқ.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авикомпанияси ўтган йилнинг 1 ноябридан авиаташувлар соҳасида кўрсатилган хизматлар учун хорижлик шериклар билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг тезкорлигини ошириш мақсадида IATA Clearing Hous аъзоси бўлган бўлса, айни пайтда эса дунёнинг йирик авиакомпанияларини ўзида бирлаштирган ҳамда жаҳон йўловчи ва юк ташиш бозорининг катта қисмини назорат қиладиган SkyTeam глобал авиация альянсига қўшилишга қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Авиация ходимларининг фидокорона меҳнати Юртбошимиз томонидан ҳам муносиб тақдирланиб борилаётгани эътиборга молик. Жумладан, ҳозиргача 5 киши — Сергей Мазничко "Дўстлик", Эркин Ғуломов "Меҳнат шуҳрати" орденлари, Фарҳод Теляев ва Борис Шишонковлар эса "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими" фахрий унвонига сазовор бўлишган бўлса, учувчи-йўриқчи Зарҳўжа Сайдазимов Ватанимизнинг энг юксак мукофоти — "Ўзбекистон Қаҳрамони" олий унвони билан тақдирланган. Бу эса миллий авиакомпания ходимларининг ўз вазифаларига янада масъулият билан ёндашишларида муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Миллий авикомпания жорий йилда ҳам хизмат кўрсатиш сифати ва парвозлар хавфсизлиги кафолатини ошириш баробарида фуқароларга малакали хизмат кўрсатишни режалаштирган. Ишонч билан айтиш мумкинки, йўловчилар хавфсизлини таъминлаш бўйича дунёда етакчи ўринларда турадиган авиакомпаниямиз республика фуқаро авиациясининг шарафли тарихига яна кўплаб янги саҳифалар қўшади. Ҳар куни дунёнинг 25 мамлакатига сафарга отланган йўловчиларнинг узоғини яқин қилиш мақсадида куну тун тиним билмаётган 14 минг кишилик "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авикомпанияси жамоасига бу йўлда улкан муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Иномжон АБДИЕВ

ЎЗЛИК

Кийиниш ҳам одоб, ҳам ахлоқ

Истиқлол бизга нафақат ўзлигимизни, қадриятларимизни, анъаналаримизни, балки дину имонимизни қайтариб берди. У бизга яшаш завқини, бунёдкорлик илҳомини, орзулар шиддатини бахш этди. Юртимиз чинакамига обод ва маъмур бўлди. Саодатким, Ватанимизга, келажагимизга муносиб авлод вакиллари вояга етди. Уларнинг одобу ахлоқ, илму тафаккур бобидаги муваффақиятлари беҳад кўп. Бундан қувонамиз. Фахру ифтихор туямиз. Шунинг билан бирга кўча-кўйда, жамоат жойларида қоп-қора ёки кўк ҳижобга чирмалиб олган, бильакс киндигигача очиқ кийинган қизларимизга рўбару келиб кўнглимиз оғриб қолаётгани ҳам бор гап. Алалхусус, биз дунёвий давлат фуқароларимиз, ким қандай кийиниши, шубҳасиз, унинг шахсий иши, виждонига ҳавола қилинган масала. Лекин шундай бир инсоний туйғу борки, уни писанд қилмаслик инсонийлик шаънига иснод эмасмикан деган савол ўйлантириб қўяди. Бу туйғу — гўзал хулқ, ўзбекона одоб ва андишадир. Чуқур ва холис назар ташлаганда либос, умуман кийиниш маданияти одоб ва ахлоқ, миллий ўзига хослик, қадриятлар ва анъаналар мазмунидан келиб чиқади. Бинобарин, азалдан "ҳаё ва ибонинг ташқи кўриниши кийимдир" деган ҳикматона таъкид халқимиз орасида бежиз машҳур бўлмаган.

Аллоҳ яратган ҳар бир миллат ва элатнинг ўзига хос урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари ва маданиятлари борки, бу илоҳий ҳикмат асосида жорий қилингандир. Хусусан, "Ҳужурот сураси"нинг 13-оятида шундай дейилади: "Эй, инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳаво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ наздида (энг азизу) мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир".

Демак, дунё халқларининг турли миллатга мансуб бўлиб, бир-бирларидан фарқли равишда ҳаёт кечиришлари ҳам азалдан Аллоҳнинг иродаси ва илму ҳикмати тақозо этган ҳақиқат экан. "Рум сураси"нинг 22-оятида бу мазмун янада аниқроқ баён этилади: "Унинг белгиларидан (яна бири) — осмонлар ва Ерни яратиши ва сизларнинг тилларингиз ва рангларингизни хилма-хиллигидир. Албатта, бунда барча олимлар учун аломатлар бордир".

Мазкур оятлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, инсоният ва бошқа мавжудотнинг хилма-хиллиги Аллоҳнинг қудрати ва чексиз илму ҳикматига далолат қиладиган белгилардир. Хилма-хиллик эса, аввало, инсонларнинг ташқи кўринишида ва кийган либосларида намоён бўлади.

Қандай кийинишига қараб инсоннинг ички дунёсига, маънавиятига баҳо бериш барча халқларда ҳам одат тусига айланган десак, хато бўлмайди. Қолаверса, ушбу хилма-хилликда ибо, ҳаё, шарм каби илоҳий тушунчалар, ранглар борки, уни хиралаштириш, рангини ўзгартириш ва ёки тарҳини бузиш мумкин эмас. Ушбу мажозий илоҳий ранглар, бичимлар қадимул айёмдан халқимиз томонидан олий қадриятлар даражасида ардоқланган. Ана шу ранг ва бичимлар асосида миллий, ўзига хос либосларимиз туркуми шаклланган.

Унутмайликки, аждодларимиздан қолган кийиниш маданияти — ўзлигимизни англатади, асрлар шиддатига дош берган иродамизни, сабру қаноатимизни, пок умидларимизни ифода этади.

Миллий кийимлар ва безак турлари тарихимиз давомида шаклланган бўлса-да, таассуфки, кейинги авлодлар кийиниш ахлоқи ва одобида таъсири камайиб ёки турли ўзгаришларга юз тутмоқда.

Умуман олганда, кийимлар барча миллат кишиларида вақт ўтиши билан озми-кўпми янгиланиб туради. Бу тадрижий ҳол. Лекин ўзгаришларни, янгиланишларни оқилона қабул қилиш керак. Миллийлик инсон ботинида ҳам, зоҳирида ҳам сақланиб қолмоғи жуда муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, халқимиз бутун жаҳонда гўзал хулқи билан ҳам шуҳрат қозонган. Меҳмоннавозлик, олижаноблик, меҳр-мурувват, саховат, раҳм-шафқат, олмос тафаккур — буларнинг бари ахлоқимизда мужассам. Баайни шундай экан, кийинишимиз ҳам шунга яраша бўлиши лозим. Зеро кийиниш — гўзал хулқнинг безагидир.

Маълумки, қадимдан зукко аёлларимиз, паричеҳра қизларимиз калта, билак ва тиззани ёпмайдиган кўйлакларни, қолаверса, Яқин Шарқнинг бамисли қафасдай ҳаммаёқларини бўғиб ташлайдиган кийимларини кийишмаган. Уларнинг қалб гўзаллиги сўзлашув ва ўзини тутиш одобига уйғун равишда сержило матолардан шарқона назокат ила тикилган кийимларида ёрқин акс этиб турган.

Тарихчилар буни мендан яхшироқ билсалар керак, Хорун ар-Рашид даврларида Бағдодга самарқандлик тикувчилар бориб сарой аёллари учун либослар тикиб беришган. Айтишларича, бу кийимларда аёлларнинг ҳаёси, ибоси билан уларнинг бутун гўзаллигини нурлантириб юборувчи бичимлар қўлланилган экан.

Алҳол, ўзбек аёллари ўша пайтларданоқ турли маросимлар ва тадбирларга мослаб махсус кийимларни тайёрлаб қўйишга интилганлар. Масалан, тўй кийимларида безаклар, қатимлар кўпроқ акс этса, мотам кийимлари учун қайғу мазмунига хос жиддий рангли матолар танланган.

Яна бир жиҳат. Ўзбек қизлари беш ёшидан бошлаб оналари, опалари томонидан тикиш-бичишга ўргатилган. Ана шу жараёнда оналар ўзбек қизи амал қилиши лозим бўлган қонун-қоидаларни қизчаларининг онгига, шуурига сингдирганлар. Дарҳақиқат, барча қизлар чок ишларини, дўппи тикишни, сўзана ва кашталарга нақш

солишни мукаммал билишган. Одобда солиҳа, фикрда зебо бўлиб улғайишган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ислом дини нуқтаи назарида аёллар учун "сатри аврат", яъни аврат саналган жойларининг очиқ бўлмаслиги уқтириб ўтилган. Лекин мусулмон эркак ва муслима аёллар учун ислом динида махсус диний кийим деган тушунча мутлақо йўқ. Ҳар бир муслим ва муслима қайси миллатга мансуб бўлмасин, аврат жойларини ёпиб турадиган кийим кийса, шунинг ўзи ҳижоб ўрнига ўтади.

Кийиниш маданияти юқорида ёзганимдек, хилма-хиллик ва ўзига хосликдир. Тасаввур қилинг, чиройли боққа кирдингиз, бу боғда анвойи гуллар очилиб ётибди. Бу гуллар бир-бирига ўхшамайди. Кўриниши, бўйи, шакли бошқа-бошқа. Худди шунингдек, одамзот қавмлари ҳам ранг-баранг. Гулга сув қуймаса, эътибор берилмаса, уни тикан босиб кетади, бадбўйлашади. Чунончи, аёлларимиз, қизларимиз ҳам чиройли гулдек, қалблари поклик, гўзаллик, ибо, шарм оби-наввотларидан озиқланмаса, хароб бўлади.

Аммо яна бир ҳақиқат борки, биз ўзбекона нафосат билан безанган халқмиз. Зинҳор-базинҳор буни хаёлимиздан канда қилмайлик. Ахир, биз бугун ёт таъсирлар интернетдан, радио тўлқинларидан, кино экранларидан ўтиб келаётган жаҳон ичидамиз. Бизни ўзлигимиздан чекинтиришга тўрт тарафдан ҳаракат қилаётганлар оз бўлса-да мавжуд. Айни пайтда руҳшунос олимлар бегона либос асрлар давомида маълум иқлим шароитига, маънавий муҳитига мосланган кийимларни сиқиб чиқарса, ахлоқий таназзул билан бир қаторда, руҳиятни асоратга олади, унда иккиланиш, лоқайдлик, карахтликни кучайтиради деб огоҳлантираётганларида ҳам менимча, жон бор. Ҳолбуки, айрим замонавий ҳижоблар ҳам, Ғарбдан келаётган йиртиқ-ямоқ беҳаё кийимлар ҳам, очиғини айтганда, бизга бегона.

Шарқнинг буюк алломаси Фаридиддин Аттор дейдилар:

Кимда бўлса донишу
ақлу тамиз,
Илм ила илм аҳлини
тутгин азиз.
Сен хатолардан
ўзингни тут узоқ,
Эй фарзанд!
Оқил эсанг солгил қулоқ.

Ушбу сатрлардан кўриниб турибдики, ақли тамизли киши илм аҳлини ҳурмат қилади, унинг ҳунарини, кашфиётларини ўз фойдаси учун истифода этади. Бир маҳаллар Ғарб тамаддунининг тараққий этишида Шарқ тамаддуни кучли таъсир кўрсатган. Бугун тан олиш керакки, Шарқ халқлари Ғарб маданиятидан кўпроқ таъсирланмоқдалар. Турмушни яхшилаш, яшаш шароитини қулайлаштириш, фан-техника, электроника каби соҳаларда Ғарб халқлари эришган ютуқлардан Шарқ халқлари ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Бунинг ёмон жойи йўқ. Улардан тараққиётимиз, юксалишимиз учун зарур илмларни ўрганишимиз зарур. Фаровонликка, эзгуликка хизмат қиладиган кашфиётларни ўзлаштиришимиз ҳам мақбул иш. Лекин кийиниш маданиятида Ғарбнинг бешарм "тараққиёти"га ёки Яқин Шарқнинг "қора ҳижоб"ларига кўр-кўрона тақлид қилавериш оқибати яхшиликка олиб бормайди, назаримда. Фаридиддин Аттор айтганидек, нав-ниҳол қизларимиз, ўғлонларимиз хатолардан ўзларини узоқроқ тутсалар, оилалари обрўси учун ҳам, мамлакатимиз шаъни учун ҳам кони фойда. Чунки хориждан келган меҳмонлар юртимиздаги тарихий, маданий, диний обидаларни зиёрат қилиш билан бир қаторда халқимизнинг турмуш тарзига, маданияти, моддий ва маънавий тараққиётига, шу жумладан, кийим-бошларимизга ҳам эътибор қаратишади. Аммо ғарбликларнинг ўзларига ҳам эриш кўринаётган баъзи кийимларга кўзлари тушса ажабланишлари тайин. Уларга қолса, ўзбек халқини миллий ўзига хос қиёфада кўриш қизиқарли. Бу ҳам майли. Айрим аёлларимизнинг араб ёки эроний аёлларга тақлид қилиб қоп-қора ҳижобларга бурканган ҳолда ёки ҳозирда кўп учраётган тор ҳижоб кийимларини кийиб юрган қизларни кўрган сайёҳлар ёқа ушлашмаскин, ўзимиз ҳам бундайларга кўзимиз тушиб тавба деб, хижолат чекаяпмиз-ку! Оила шаъни улуғ деймиз, бироқ миллат номуси ундан-да улуғ, мамлакат обрўси ниҳоятда азиз.

Кўр-кўрона тақлид билан нима ютиш мумкин? Ҳеч нима!

Араб аёллари ўз иқлим шароитидан келиб чиқиб кийим киядилар. Уларда ҳатто эркаклар ҳам бошларига рўмол ўрайдилар. Бу ўзларига ярашади. Мусулмончилик дегани араблардек яшаш дегани эмас, ахир! Биз ўзбеклармиз, ўзимизга хос, ярашган либосларни кийсак, нақадар аъло.

Ояти карималарнинг бирида "Аллоҳ такаббурларни севмайди" дейилади. Кибр — инсонни бошқалардан одоб ила эмас, нафс ила фарқланиб туришга ундайди. Уни турфа тақлид гирдобига ташлайди. Охири одобсиз кишига айлантиради. Бу борада Алишер Навоий шундай ўгит келтирадилар:

Бўлмас адабсиз кишилар
арҳумманд,
Паст этар ул хайлни
чархи баланд.

Чунончи, кийиниш маданиятидаги қусурлар ҳам одобсизлик қусурларига тегишлидир. Одобсизликни бартараф этиш чораси бўлса битта, буни Абу Наср Форобий аниқ-равшан изоҳлаганлар: "Ҳар бир киши касб-корни муфассал билмоғи, яхши тарбия олмоғи ва яхши хулқ-одоб, фазилатларга эга бўлмоғи керак."

Шайх Абдулазиз МАНСУР
Region.uz

ТАҲРИРИЯТГА ХАТ

Суд қарори қачон ижро этилади?

Адолатсизлик ҳукм сурган жойда асаббузарлик, норозиликлар бўлиши шубҳасиз. Деҳқонобод туманидаги "Қишлоқхўжаликкимё" АЖда 24 йил меҳнат қилиб, бирор марта адолатсизликка, ҳақсизликка учрамаган эдик. Аммо 2004 йилнинг ўрталарига келиб, корхонамиз иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга туша бошлади. Собиқ раис А.Ўралов ва бош ҳисобчи А.Аҳмедовларнинг уқувсизлиги, ўз манфаатини ўзгалар манфаатидан устун қўйгани оқибатида ташкилотда дебитор қарзлар миқдори ошиб кетди. Натижада ишчи-хизматчилар маошини ололмасдан бирин-кетин вазифасидан бўшай бошладилар.

Мен корхонада бош механик, турмуш ўртоғим Қурбонхол Қурбонова эса қоровул эди. Иш ҳақимизни ололмагач, туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ҳамда вилоят касаба уюшмасига ариза ёздик. Улар текшириш ўтказиб, ишни фуқаролик судига оширишни тавсия этишди. Хуллас, 2006 йилнинг 20 февралида Фуқаролик ишлари бўйича Ғузор туманлараро суди маошимизни "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамияти туман филиалидан ундириб бериш ҳақидаги даъво аризамизни кўриб чиқиб, ишни бизнинг фойдамизга ҳал этди. Ташкилот бизларга 800 минг тўлаб, иш ҳақимизнинг бир қисмидан қутулди. Бироқ қолган қисми, менинг ҳисобимдаги 199616 сўм, турмуш ўртоғимнинг 209999 сўм иш ҳақи ва келтирилган маънавий зарар 150000 сўм (жами 599615 сўм) қарз тўланмасдан қолди. Суд бу пулни ташкилотнинг мол-мулки ёки маблағи ҳисобидан мажбурий тартибда ундириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилди. Қарор ижроси Тўйчи Бойтўраев зиммасига юклатилди.

Қонун бўйича суд ижрочиси ҳал қилув қарорини узоғи билан 2 ой муддат ичида ижро этиши лозим эди. Амалда эса у ишни пайсалга солди. Натижа бўлавермагач, 5 ой ўтиб, вилоят суд департаментига мурожаат этганимиздан сўнг, яъни 2006 йилнинг 31 июль куни "Қишлоқхўжаликкимё" АЖ туман филиалига суд ижрочиси ўзини гўёки бизнинг қарзларимизни ундириб бериш учун келгандек кўрсатиб, битта "Т-28Х4" русумли трактор ва битта "ГАЗ-3507" русумли яроқсиз автомашинани хатлаб, "ким ошди" савдосига қўйишга кўрсатма берди. Аммо савдога қўйилган транспорт воситалари техник жиҳатдан носозлиги сабабли 6 ой туриб қолди. Шундан сўнг суд ижрочилари — Деҳқонобод туман бўлинмаси катта суд ижрочиси вазифасини бажарувчи Тўйчи Бойтўраев ва ижрочи Жума Ибрагимовлар бизни чақириб, сотувга қўйилган техникаларга харидор чиқмагани сабабли қарз эвазига уларни ўзимиз олишимизни таклиф этди. Биз розилик хати ёзиб, қўшимча фарқи учун 305 минг сўмни 2006 йил 28 октябрь куни суд ижрочилари ҳисоб рақамига ўтказиб, чипта олдик. Суд ижрочиси бизга ташкилот раҳбари А.Ўраловдан "Розилик хати" олиб келинг, деди. Раҳбар эса: "Сизлар бу иккита техникани оладиган бўлсаларинг, саройда турган "МТЗ-80" русумли тракторни менга ёки ҳисобчига беринглар, шунда розилик хати бераман, бўлмаса сизга ҳам, бизга ҳам йўқ", деди.

Аслида суд ижрочилари собиқ раҳбаримиз А.Ўралов ва бош ҳисобчи А.Аҳмедов билан бизни роса лақиллатишган экан. Ваҳоланки, ташкилот раҳбарининг бу масалада розилиги талаб қилиниши тугул, ҳатто ундан сўраб ўтиришга ҳам ҳожат йўқ экан. Техникаларнинг "ким ошди" савдосига қўйилиб, энг бошланғич нархида ҳам сотилмаган қийматидаги пулини тўлаган бўлсак-да, "ғирром ўйин"нинг қурбони бўлдик. Бизни эрта кел, индин кел, дея алдаб, 2006 йил 12 декабрь куни техникаларни биздан яширинча Республика Кўчмас мулк биржаси Қашқадарё вилоят филиали орқали қайта "ким ошди" савдосига қўйиб, яқин таниши номига расмийлаштиришибди. 2006 йил 18 декабрь куни суд ижрочиси Т.Бойтўраев ва унинг ёрдамчиси (ҳозирги кунда катта суд ижрочиси) Жума Ибрагимовлар эрталаб соат тўққизларда корхонамизга кириб келишди. Мен ва турмуш ўртоғим, яъни жамият қоровули Қ.Курбонова бор эдик. Улар дўкпўписа қилиб, техникаларни олиб кетмоқчи бўлишди. Лекин биз ташкилот раҳбари ёки унинг бирон вакилисиз бермаслигимизни айтиб, уларни қайтардик. Эртаси куни мен бу ноқонуний ҳаракатлар ҳақида туман ички ишлар бўлими бошлиғига ва туман прокурори М.Ўзбековга маълум қилиш учун кетганимда, улар бир гуруҳ ички ишлар ходимлари билан корхонага бостириб киришибди. Т.Бойтўраев ва ижрочи Ж.Ибрагимов қоровул аёл Қ.Қурбонова ва унинг ёш боласини қўрқитиб, уриб, сўкиб "Т-28Х4" русумли тракторни ҳеч қандай ҳужжат ва рухсатномаларсиз зўравонлик билан олиб кетишибди. Турмуш ўртоғим мушт зарбидан ерга йиқилиб ҳушидан кетади. Суд ижрочилари "Тез ёрдам" чақиришади ва беморни туман шошилинч тиббий ёрдам бўлимига жойлаштиришади, ёш бола эса кўчада қаровсиз қолиб кетаверган. Мен тушга яқин ишга келиб, воқеадан хабар топдим. Касалхонага борганимда, хотиним ҳамон беҳуш ҳолда ётарди. Т.Бойтўраев Ж.Ибрагимовни қолдириб, ўзи жуфтакни ростлаб қолибди. Турмуш ўртоғим 2006 йилнинг 20 декабридан 27 декабригача шифохонада даволанди. Минг афсуски, оқ халатли шифокорлар ҳам суд ижрочиларининг ёнини олиб, беморга енгил ташхис қўйиб, бор-йўғи олти кун даволашди. Қорин пардаси ёрилгани жароҳатини ҳеч нарса бўлмаган деб баҳолашгани эса ақлга сиғмайди. Мабодо, хотиним олти кундан кўпроқ даволанадиган бўлса, бу ҳолат жиноий иш очилишига сабаб бўлишини улар яхши билганлари учун касалхонадан мажбуран чиқариб юборишди. Туман ИИБ томонидан экспертизадан ўтиши учун йўлланма олган бўлсак ҳам турмуш ўртоғимни тиббий экспертизадан ўтказишмади. Хуллас, барча эшиклар биз учун ёпилган эди. Чунки суд ижрочилари ҳамда туман ИИБ ходимларининг айби билан содир этилган воқеанинг миси чиқмаслиги лозим эди. Бу ҳақда туман прокурорига, вилоят прокурорига бир неча марта мурожаат қилдик. Афсуски, хатларимиз туманга келиб, "ғойиб" бўлаверди. Шундан сўнг вилоят ва республика ҳуқуқ-тартибот органларига арз қилдик. Суд ижрочиси Ж.Ибрагимов томонидан биржада сотилмасдан қолган "ГАЗ-3507" русумли автомашина далолатнома орқали сотилмаган нархида иш ҳақимиз ҳисобига берилган бўлса-да, суд қарорини ва автомашинанинг техник паспортини ҳалигача ололганимиз йўқ.

Чўкаётган одам хасга ёпишар, деганларидек зора адолат қарор топса, дея туманга янги тайинланган прокурор А.Ибрагимовга ва вилоят прокурори К.Исмоиловга ўз ҳуқуқимизни ҳимоя қилишни сўраб ариза бердик. Туман прокурори суд ижрочиси Ж.Ибрагимовни чақириб, қаттиқ танбеҳ берди ва оқибатда ижрочи ҳаммасини тўғрилаб беришга ваъда берди. Лекин бу ваъда ҳамон ваъдалигича қолмоқда.

Қашқадарё вилоят хўжалик судининг 2007 йил 24 декабрдаги қарори билан "Қишлоқхўжаликкимё" АЖ Деҳқонобод туман филиали биноси олти ойда беш марта "ким ошди" савдосига қўйилди. 2008 йил 20 июнь куни мен ҳам савдога қўйилган мулкнинг 10 фоизи — 570 минг сўм гаров пулини тўлаб, 24 июнь куни бўлиб ўтадиган аукционга қатнашмоқчи эканимни маълум қилдим. Шуниси ажабланарлики, менинг "ким ошди" савдосида иштирок этишим кимларгадир ёқмади. Савдодан чиқишимни талаб қилишди. Албатта, бунга рози бўлмадим. Шундан кейин савдо бошланишига бир соат қолганида иш бутунлай бошқача тус олди. Савдо бекор қилинганини биржа орқали маълум қилишди. Мана, бу "ғирромлик" ҳам карийб олти ойдан буён давом этиб келаяпти. "Ким ошди" савдосида қатнашиш учун 570 минг сўм гаров пулини тўлаб, Деҳқонобод — Қарши йўлида сарсон-саргардон бўлиб юрибман. Нима қилишимни билмай, ҳайрону лолман...

Аннамаҳмат САИДОВ,
Қашқадарё вилояти,
Деҳқонобод тумани.

ТАЪЛИМ

Болалигида автомобилларга қизиқмаган ўғил бола топилмаса керак. Мурғаккина ўғлига шундай ўйинчоқларни совға қилган ота эса фарзандининг қувончига ўзи ҳам беихтиёр шерик бўлади. Ўша гўдак чоғларидаги орзусига содиқ қолиб, айниқса, ҳарбий техник мутахассис бўлиб етишганларга эса юрт ҳимояси ишониб топширилади.

Ҳарбий ҳайдовчилар мактаби

Ҳақиқатан ҳам халқимизнинг осойишта турмуш кечириши кўп жиҳатдан шу соҳанинг билимдони бўлган ўғлонларга боғлиқ. Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Навоий вилоят Кенгаши қошидаги Навоий автомобиль мактабида ана шундай йигитлар таҳсил олишмоқда.

Бу мактабда ҳар йили 150 нафарга яқин курсантлар таълим олишиб, ҳарбий ҳайдовчилик касб маҳоратларини эгаллашади. Қолаверса, кечки гуруҳларда ҳам халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун оммавий касб эгалари сифатида "В", "В-С", "D" тоифали ҳайдовчилар тайёрланади.

— Ҳар йили анъанавий равишда ўтказиладиган "Оммавий ватанпарварлик ойлиги" дастури давомида бир қатор тадбирлар ташкил этдик, — дейди мактаб директори Шукур Ибодов. — Яқинда бўлиб ўтган "Автокўпкураш" мусобақаларида ҳам туман "Ватанпарвар" ташкилоти раҳбарлари, қолаверса, мактабимиз раҳбар ва курсантларидан ташкил топган жамоалар ўзаро куч синашди. Шунингдек, курсантлар Навоий гарнизони ҳарбий қисмларига бориб, аскарларнинг кундалик ҳаёти билан яқиндан танишиш имконига ҳам эга бўлишди.

Айниқса, тадбирлар давомида мактаб ҳовлиси ва унинг атрофи ободонлаштирилиб, 60 туп арча кўчатлари ўтказилгани бу даргоҳга кўрк бериб турибди. Булар эса ёшларнинг ўз соҳасини чуқур ўрганиши билан бир қаторда жисмоний меҳнатга бўлган иштиёқини кучайтириши шубҳасиз.

Яна бир гап. Бу масканда таълим бериш ҳарбий ватанпарварлик тарбияси асосида ташкиллаштирилган бўлиб, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият қаратилади.

— Мен Хатирчи туман мудофаа ишлари бўлими йўлланмаси билан бу ерга келдим. Енгил ва юк автомобилларини бошқариш сирларини ўрганиш билан бирга сафда юриш, ҳаво милтиғидан отиш, нишонга олиш каби машғулотлар билан доимий шуғулланиб бораяпман. Назарий кўникмаларимни амалиётда синаб, пухта билим олаяпман, — дейди сухбат чоғида курсант С.Халилов.

Азамат САФАРОВ,
"Hurriyat" мухбири. ®

ЖАРАЁН

ЭНГ МАЪҚУЛИ – ШАХСИЙ ОРАСТАЛИК

Қиш фаслида одам тез-тез грипп бўлиб туради. Бир қарашда оддий кўринган ушбу касаллик одам организмида жиддий асоратлар қолдириши мумкин. Грипп касаллигини қўзғатувчи микроорганизмлар ниҳоятда майда, кўзга кўринмайди. Уларни одатдаги микроскоп эмас, электрон микроскоп ёрдамида кўриш мумкин. Касаллик тарқатувчи вирус заррачалари беморлар аксирган ва йўталган вақтда ҳавога тарқалиб, атрофдаги одамларга нафас орқали юқади.

Инфекциялар беморда иситмани кўтаради, бош айланиши ва оғриқ, ҳолсизлик, эт увишиши, совқотиш ҳоллари кузатилади. Бу ҳолатлар сезилиши билан дарҳол даволаш чораларини кўрмоқ зарур. Аввало, гриппни атрофдагиларга юқтирмаслик учун юзга ниқоб тақиб олиш керак. Беморнинг иссиғи кўтарилса, шифокор маслаҳати билан антибиотиклар тавсия қилинади.

Касаллик пайтида томоқда оғриқ бўлса халқ табобати усулларидан ҳам фойдаланса бўлади. Бунинг учун қизил лавлаги қирғичдан ўтказилиб, дока орқали бир пиёлача суви сиқиб олинади. Бир ош қошиқ 9 фоизли уксус қўшиб, яхшилаб аралаштирилади. Тайёр бўлган суюқлик билан уч кун давомида кунига 6 мартадан томоқ чайилади. Агар грипп пайтида қуруқ йўтал қўшилса, бир пиёла қайнатилган сутга бир чой қошиқда сариёғ ва асал қўшиб, иссиқ ҳолда ичиб, ўралиб ётилади.

Хонага бир кунда 2-3 марта исириқ тутатиб туриш ҳам фойда беради. Қолаверса, компот, малинадан тайёрланган мураббо, лимонли чой ичиб туриш ҳам касалликни аритади. Шуни эсдан чиқармаслик керак, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш грипп эпидемиясининг тарқалишига қарши курашиш учун энг муҳим омилдир.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ
"Тошкент ҳақиқати"
17.01.2009.

Ҳудудий нашрларда

ЎҚИШ ҲАМ САНЪАТ

Бадиий асар киши маънавиятини бойитади. Қизиқ китоб ўқисангиз, кўнглингиз равшан тортади. Нега шундай? Дунёда нима кўп, китоб кўп. Яқинда мактаб ўқувчилари билан бўлган учрашувда бир қизимиз «Баъзан шундай бўладики, ўқиш учун қизиқарли китоб тополмайман» — деб қолди.

— Сиз Абдулла Қодирийнинг асарларини ўқиганмисиз? — деб сўрадим. Тузук жавоб айтолмади. — Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон каби атоқли ёзувчиларимизничи? Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Саид Аҳмад, Саида Зуннунова, Эркин Воҳидов...

Бу рўйхатни истаганча давом эттириш мумкин. Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. «Қизиқарли китоб» деганда ўқувчи нимани назарда тутади? Ким муҳаббат ҳақидаги асарларга, ким жасорат ҳақидаги китобларга, яна кимдир фантастикага ўзини уради.

Аммо барибир китоб ўқиш яхши. Лекин уларни саралаб, онгимизни, дунёқарашимизни, савиямизни ўстирадиганларинигина мутолаа қилайлик. Ўқиш ҳам санъат. Бу санъатни эгаллаш қийин. Яхши китоб ўқиган одамнинг дунёқараши ҳеч бўлмаса, бир поғона юксалмаслиги мумкин эмас. Яхши китоб баҳор ҳавосидай бизни янгилашга қодир.

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА
"Иқбол" (Андижон),
22.01.2009.

ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

Яширишнинг ҳожати йўқ, туманимизда ўтган йили кузда айрим майдонларда ғалла экиш бирмунча кечикди. Аммо об-ҳавонинг илиқ келгани, ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар туфайли дон сепилган 6400 гектар майдоннинг ҳаммасида уруғликни кўкартириб олишга муваффақ бўлинди. Лекин ривожланишдан орқада қолаётган пайкаллар ҳам йўқ эмас. Масалан, собиқ А.Темур номли ширкат хўжалиги ҳудудида 111 гектар, Улуғбек номли муқобил МТП ҳудудида 65 гектар, Б.Фозилов номли муқобил МТП ҳудудида эса 56 гектар майдондаги ғаллалар 1-2 та чинбарг чиқарган, холос. Улуғбек номли, Б.Фозилов номли муқобил МТПлар ҳудудидаги фермерлар эса негадир экинни биринчи озиқлантиришга унчалик шошилишмаяпти.

Ўтган йили етарли миқдорда маҳаллий ўғит тўпланган, ғалла ва ғўзани суғоришни асосан «шартбат» усулида ташкил этган фермерлар кутилган натижага эришган эди. Шулар ҳисобга олиниб, бу йил вегетация мавсумигача дала четларига 116 минг тонна гўнг чиқариш режалаштирилган. Афсуски, қишнинг ярми ўтишига қарамай, бу режа 22 минг 357 тоннадан сал ошган, холос. П. Шербобоев, Бобур, Б.Фозилов, Улуғбек, «Гулистон», Ў.Иброҳимов ҳамда А. Темур номли муқобил МТПлар ҳудудидаги фермерлар эса режанинг 16-20 фоизини бажарганлар.

Қиш бекорчилик фасли эмас. Буни унутган деҳқон кўкламда «аттанг» деб қолиши эса турган гап.

Й. АБДУЛЛАЕВ,
"Кеш"
(Шаҳрисабз тумани)
16.01.2009

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва ахборот кўмагида тайёрланди. Лойиҳа: «Матбуот — давр кўзгуси».

КИНОЯ

Ёғ можароси

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги "Шарқ юлдузи" маҳалласи озиқ-овқат дўконида ҳар ойда такрорланадиган "томоша"дан репортаж

Ҳар гал маҳалламиз дўконига ёғ келганидан хабар топсам, юрагим зирқирайди. Боиси...

Аввало, ўзимни ҳимоялашнинг чора-тадбирларини кўраман. Яъни эскироқ қалин кийим ва рўмолларга ўранаман. Чунки одамлар тўрт томондан турткилаганларида, ногаҳон йиқитганларида қаттиқ лат емаслик керак. Киприкка суриладиган бўёқлар, албатта, ювиб ташланади. Акс ҳолда тасодифий оғриқ ё аламдан кўзларингизга ёш қуйилса, ачиштириб, ўлганнинг устига тепгандек ҳолга тушасиз. Оёқ кийими ҳам мустаҳкам ва қайишқоқ бўлиши зарур. Чунки навбатда турганда, бор куч оёқларга берилиб, ерга маҳкам тираласиз.

Навбат ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Йўқ, инсоф билан сўзлаш керак. Айтайлик, кеч соат бешда ёғ берила бошланса, у 3-4 соатга чўзилиши аниқ. Эрталаб саккиздан (ёз ойларида соат бешдан) то бирларгача навбат деган тартиб амал қилгандай бўлади. Аммо соат 12 лардан кейин дўкон атрофи "Ипподром" бозоридай талатўп ҳолга тушади.

Дўкон ичидан сариқ олтиндек товланаётган елим идишлар қоғоз қутиларга тахланиб, одамларнинг боши узра кимларгадир узатилганда қийчув авжига чиқади. Бизнинг маҳалла кўп миллатли. Турли-туман тилларда "янграётган" бақир-чақирлар ва ножўя сўзлар қаёққадир узатилаётган қутиларни ларзага келтиради. Бундай "узат-узат"лар кўпи билан қирқ дақиқаларга чўзилса-да, жуда оғир кечади... Орқарокда турганлар олдиндагиларни катта куч билан итаришга тушади. Улар: "Нега навбатсиз сотишларга йўл қўясанлар?!" "Нега силжимаяпсанлар?!" — каби таънадашномлар билан пружинани зўр бериб сиққандай олдиндагиларни "пресслайди". Олдиндагилар орқадагиларга шундай ҳолатни қайтаришса борми, ана унда кўрасиз томошани. Бир гал шундай бўлди. Орқарокда турган озғингина ўрта ёшли аёл ерга йиқилиб тушиб, боши ёрилди. Калта сочлари орасидан қон сизилиб оқаётган аёл шартта ўрнидан турди-да, семиз аёлнинг орқа рўмолидан тортқилаб, елкаларига муштлай кетди. Семиз аёл парво ҳам қилмади. У йўғон овозда бақирганича олдиндагиларни инсофга чақирар, тезроқ силжишларини сўрарди.

Ёғ тақсимлаётган Лариса исмли маҳалла фаоли ичкаридан туриб, алланарсалар дея гезариб-бўзариб гапиради. Аммо ҳеч ким унинг нима деяётганини эшитмайди ҳам, англамайди ҳам.

Бир сафар ёғ сотила бошлангандан бир соатлар чамаси ўтгач, маҳалла нозири пайдо бўлди.- Тирбанд одамлар орасини ёриб, олдинга ўтди. Ёғ тугаётганини маълум қилиб, одамларни тартибга чақирган бўлди. Олдиндагиларнинг шовқини бироз пасайиб, орқадагилар баттар талвасага тушишди. Улар шунча кутиб, қуруқ қайтишни истамас эдилар. Мен икки соатлардан кейин сариқ идишларнинг бир жуфтига эга бўлганимда қулоқларим шанғиллар, бошим карахт, оёқларим қалтирарди.

Ҳар гал қозонга ёғ солаётганимда, негадир шу аҳволга тушаётгандай бўлаверяман. Қўйлиқ бозори шоҳбекатида яширин сотилаётган ёғни икки баравар қимматга олгандим, кўп ўтмасдан оиламдагилар ўт, ошқозон ва жигар каби аъзоларида ноҳуш аломатлар пайдо бўлаётганидан шикоят қилишди. Йўқ, дейман, бунақада беш баравар қимматга тушамиз. Мен яна жанжалхона — дўкондан ёғ хабари келишини пойлайман.

Ниҳоят, унинг хабари чиқади. Руҳшунос қўшнимни чақираман. Қўшним бу гал боролмаслигини айтди. У томонга отланишдан олдин ичадиган дорилари тугабди.

Начора, ўзим йўлга чиқаман...

Мамлакат НОРМУРОДОВА,
"Hurriyat" мухбири.

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

"ПАХТА БАНК"



мамлакатимизда 2009 йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиниши муносабати билан барча тадбиркор ва ишбилармонларни ҳамкорликка таклиф этади!

Айниқса, қишлоқ жойларда тадбиркорликни ривожлантиришга ва турмуш даражасини янада оширишга ҳамда янги иш ўринларини ташкил этишга қаратилган лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида

"ПАХТА БАНК":

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

ТАНЛОВНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ:

1. Лойиҳа мақсади:
— қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шу жумладан, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини тўлиқ қайта ишлаш;
— чорвачилик маҳсулотлари, шу жумладан, сут ва гўштни қайта ишлаш.
2. Лойиҳа қиймати — мижоз буюртмаси асосида.
3. Лойиҳани молиялаштиришга ажратиладиган кредитнинг миқдори 500 миллион сўмгача.
4. Ташаббускорнинг лойиҳадаги улуши лойиҳа қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.
5. Кредит таъминоти кредит миқдорининг 120 фоизидан кам бўлмаган ҳолда, лойиҳа асосида сотиб олинадиган технологик ускуна таъминот сифатидаги қийматининг 70 фоизи миқдоригача қабул қилинади.
6. Лойиҳани қоплаш муддати 5 йилдан ошмаслиги ҳамда замонавий технологик ускуналарга асосланган бўлиши лозим.

Қуйидаги инвестиция лойиҳалари алоҳида устуворликка эга:

— экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган, замонавий ва мослашувчан минитехнологияларга асосланган лойиҳалар;
— энг арзон маҳсулот таннархига эга бўлган лойиҳалар;
— лойиҳа ташаббускорининг ушбу соҳада юқори малакага эгалиги;
— киритиладиган инвестицияга асосан яратиладиган иш ўринлар сони юқори бўлган лойиҳалар.

Танловда иштирок этиш учун "Пахта Банк"нинг барча филиалларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш талаб этилади:

— танловда иштирок этиш учун ариза;
— корхонанинг таъсис ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботлар;
— лойиҳанинг мақсади, стратегияси, технологик ускуна, хомашё базаси, лойиҳа ташаббускорининг мавжуд имкониятлари ҳамда рақобатчилардан устунлик тарафлари, маркетинг тадқиқотлари кўрсатилган техник иқтисодий асос;
— кредит таъминотига таклиф этиладиган мол-мулклар тўғрисида маълумот.

Танлов шартларига тўлиқ жавоб берган лойиҳаларга "Пахта Банк" томонидан имтиёзли фоизлар асосида кредитлар ажратилади.

Танловда иштирок этиш учун аризалар ОАТ"Пахта Банк"нинг барча ҳудудий филиаллари томонидан қабул қилинади. Мурожаат учун телефон рақамлари:

(+99871) 150-85-23, 150-53-57

Хизматлар лицензияланган.

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Ўйиннинг зўрини энди кўрамиз

(Бошланиши 1-бетда.)

Бугун ушбу жамоада юртимиздаги энг маҳоратли ҳамда дунёда ном қозонган, шунингдек, машҳур бўлиш истагида тўп сураётган футболчилар йиғилган, десак муболаға бўлмайди. Уларнинг маҳоратига тан бермай иложимиз йўқ. Бироқ масаланинг иккинчи жиҳати ҳам борки, бу ҳар қандай футбол ишқибозини ташвишлантиради. Яъни жамоа таркибида фаолият олиб бораётган хорижлик легионерларнинг

ҳамда маҳаллий йигитларнинг ёши, маҳорати, олдиларига қўйган мақсадлари ҳамда уларга тўланаётган маблағлар миқдори билан боғлиқ масаладир. Айтайлик, "Бунёдкор" футбол жамоасининг бразилиялик аъзоси Ривалдо 2009 йилда 38 ёшини қаршилайди. Тўғри, у ана шу ёшда ҳам миллий чемпионатимизда дуруст ўйин кўрсатиши мумкин. Лекин халқаро учрашувларда жисмонан толиқиб қолиши ҳамда мухлислар кутган даражадаги ўйин намойиш қилолмаслиги мумкин. Вилъянуэва билан Луизао эса ўз маҳоратларини мунтазам ошириб бораверса, Европа ёки Осиёдаги бошқа кучли клублар назарига тушиши, янада каттароқ пул таклиф қилган ёки кучлироқ — имконияти Ўзбекистон миллий чемпионатидан устунроқ мамлакат футболини истаб қолиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Ана шунда худди жамоанинг собиқ бош мураббийи Зикога ўхшаб бошқа клуб билан шартнома имзолаб кетаверади. Юз бериши мумкин бўлган мана шундай тахминлар борасида ўйлар экансан, қисқа муддатда мухлисларнинг севимли жамоасига айланиб улгурган "Бунёдкор"нинг келажаги қандай бўларкин деб ўйлашинг табиийдир.

Таъбир жоиз бўлса, яна шуни алоҳида қайд этиш керакки, 2007—2008 йиллар давомида "Бунёдкор" клуби мамлакатимиз футболига "тоза ҳаво" олиб кирди. Амалга оширилаётган муҳим амалий ишлар ўзбек футболини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқмоқда, десак нотўғри бўлмайди.

Дарҳақиқат бугун мамлакатимизда спортга, хусусан футболни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Шунга қарамасдан ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам йўқ эмас. Улардан бири клубларимиздан хорижга кетаётган ва чет давлатлардан бизга келаётган футболчиларнинг трансфер баҳолари билан боғлиқ молиявий маълумотлар ўзаро шартнома имзоланаётган пайтда негадир очиқроқ айтилмайди. Бундан хориж оммавий ахборот воситалари "унумли" фойдаланиб, сарф-харажатлар тўғрисидаги рақамларни анча бўрттириб кўрсатади. Оқибатда одамлар орасида турли миш-мишлар кўпаяди. Мухлисларни-ку қўяверинг, бундан аксарият профессионал футболчиларимиз, клубларимиз, мураббийларимиз ҳам азият чекадилар. Масалан, Москванинг ЦСКА футбол жамоаси Самарқанднинг "Динамо" футбол клубида тўп сураётган Патрик Агбога нисбатан қизиқиш билдирса-ю, биз унинг шартномада келишилган трансфер баҳосини жамоатчиликдан, ҳомийлардан, мутахассислардан сир тутсак. Ёки шартномада келишилган сумма ошкора айтилмаса, бундан кимга фойда-ю, кимга зарар? Ҳеч кимнинг клубларимиз учун текинга ўйнаб бермаслиги ҳам аниқ-ку!

Мамлакатимизга шартнома асосида келаётган футболчиларни шартли равишда уч тоифага бўлиш мумкин. Биринчи тоифадагилар, асосан МДҲ мамлакатларида, Осиё минтақасида ўртамиёна жамоада тўп суриб юрган футболчилардан иборат. Улар юртимизга ўз маҳоратларини ошириш, яхши эътибор топиш, яхши даромад қилиш ва кўнгилдагидек яшаш учун келади.

Иккинчи тоифадагилар эса маҳорат бобида эндигина "оёққа тураётган", аммо ҳали дунёнинг кучли жамоалари эътиборига тушмаган футболчилар сарасига киради. Улар тажриба орттиришлари шарт. Ўз навбатида юртимизда шу хилдаги футболчиларга етарли имкониятлар яратиб берилади. Ушбу тоифадагилар жон-жаҳди билан футбол ўйнашади ва жамоага катта фойда олиб келиш қобилиятига эга.

Учинчи тоифадагиларни бевосита ўз даврида дунёни ҳайратга солган, Ривалдодек жаҳон футболи юлдузлари ташкил этади. Уларнинг ташрифи қисқа ва жуда қиммат бўлиши бизга дунё футболи тажрибасидан маълум. Ривалдонинг пойтахтимизга келган дастлабки кунлардаёқ, "Бунёдкор" жамоаси менга жуда манзур таклиф билан мурожаат қилди, дейишининг сабаби яратилган шарт-шароитнинг тўлақонлилигини, тўлов миқдорининг ҳам қониқарли эканини билдиради. Хуллас, мазкур тоифадаги легионерлар инжиқ бўладилар. Бизнинг жамоалар учун уларнинг обрўси кўпроқ фойда келтиради. Чунки рақиб жамоалар чўчиб ҳаракат қилади.

Яна бир гап: аввал "Бунёдкор" футбол клубида "Пахтакор"нинг собиқ аъзоси Ҳикмат Эргашев мураббий сифатида фаолият олиб борди. Кейинчалик кутилмаганда Миржалол Қосимовнинг иш бошлаши ишқибозларнинг ҳайратини оширди. Бу — жамоанинг ўз олдига катта мақсад қўйганини ойдинлаштиради. Шу билан бирга молиявий масалага оид шов-шувлар тобора ортиб бораверди. "Сервер Жепаров "шунча", Миржалол Қосимов "пистонча" АҚШ доллари миқдорида ойлик маош олар экан", деган гаплар шов-шувга сабаб бўлди. Ўйинчиларга ҳақиқатан ҳам қанча маош берилган-берилмагани бизга қоронғи, лекин ҳомийларнинг клуб фаолияти учун пулни аямаётганига ишончимиз комил. Буни Испаниянинг "Барселона" жамоаси билан кутилмаган ҳамкорлик йўлга қўйилганидан ҳам билиш қийин эмас. Демак, клуб хўжайинлари анойилик қилаётганлари йўқ. Қолаверса, Осиё футболида бугун катта пул сарфлаб, эртагаёқ даромад кутиш ярамайди. Ҳали "Бунёдкор" ёш жамоа.

Фикримизни давом эттирадиган бўлсак, 2008 йилнинг июль ойида Европа қитъасининг гранд жамоаси бўлган "Барселона"га Самуэл Это'Онинг "Бунёдкор" клуби сафида бор-йўғи уч ой тўп суриши учун нақ (!) маблағ ваъда қилинди. Бунга ким ишонади-ю, ким ишонмайди, билмадик. Ҳар ҳолда биз ўртадаги трансфер нархини билолмаётган пайтимизда хориж оммавий ахборот воситаларида турли суммалар, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган молиявий харажатлар хусусида маълумотлар бир неча марта чоп этилди. Тўғри, биз хориж матбуотининг ҳамма маълумотларига ҳам ишонавермаймиз. Лекин бундай хабарлар кишини чалғитиши мумкин. Қолаверса, хориж матбуоти биз билмаган маълумотларни ёзаётганидан ёқа ушлаймиз.

Самуэл Это'Онинг ушбу трансфер нархини хорижликлар тўғри талқин қилганига ишонадиган бўлсак, унинг бунчалик юқори бўлиши футболчининг юксак маҳоратидан дарак бериш билан бирга, "Бунёдкор"нинг ҳам футбол оламида катта қадам ташлашга ҳаракат қилаётганини кўрсатади. Шунингдек, айнан шу трансфер ҳал қилинаётган пайтда Это'Ога Италиянинг "Милан" клуби ҳам қизиқаётган эди. Европа, хусусан, Россия ва Испания матбуоти бу ҳақда роса ёзишди. Ўртадаги шартнома суммасини ҳаттоки, 40 миллион АҚШ долларигача бўрттириб юборишди. Бунга жавобан италияликлар ("Милан" жамоаси) ҳеч қандай муносабат билдирмади. Самуэлга харидор бўлиб турган бошқа жамоалар ҳам жимиб қолишди. Бундай сукунат "Барселона" аъзосининг баҳосини "Бунёдкор" жуда ҳам ошириб юборганига ишора эди, назаримда.

Ҳақиқатан ҳам камерунлик ушбу футболчи орадан кўп ўтмай Тошкентга келди. Бироқ, трансфер ва унинг суммаси билан боғлиқ гапларни нимагадир очиқ-ойдин айтишдан ўзини тийди-ю, барибир, сир билиниб қолди. Унинг "Тошкентга вазиятни ўрганиш учун келдим", деган гапидан англаш мумкинки, аслида европалик ҳамкасбларимиз трансфер баҳосини биз ўйлаганчалик бўрттирмаган экан... Это'Они ростдан ҳам ваъда қилинган миллионлар шошириб қўйганди. У тикилиши лозим бўлган маблағ миқдорининг юқорилиги учун ҳам Италияга бормасдан, дастлаб Тошкентга келди, назаримизда. Уч ой ичида бундай катта даромадга эга бўлиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Это'О ҳамда унинг агенти Испанияга боргач, тошкентликлар билан амалга ошмаган трансфери ҳақида тўхталиб: "Ўзбек жамоаси "Бунёдкор" менга икки-уч ой учун 25 миллион АҚШ доллари беришга рози бўлди!", — дея "Newswek" халқаро агентлиги мухбирига интервью берди. Футболчининг мана шу гапидан сўнг, бутун дунёдаги футбол ишқибозлари-ю, агентларининг пайтавасига қурт тушди.

Европа матбуоти "Бунёдкор"нинг собиқ бош мураббийси Миржалол Қосимов ҳамда клуб раҳбарларидан бири Александр Шапраннинг номидан турли маълумотларни тарқатишдан манфаат топаётган бир пайтда, Тошкентга "Барселона" клубининг президенти Хоан Лопарто ва футболчилар Сеск Фабрегас, Инъеста, Карлос Пуйолъ келишди. Яна Испания газеталарида уларнинг ҳар бирига юртимизга бир кунлик ташрифи учун ҳам салмоқли миқдорда ҳақ берилганини тезкор маълумот сифатида қайд этди.

Дарвоқе, "Бунёдкор" жамоасига илгари дунёда тенгсиз ҳисобланган Ривалдо билан Зиконинг таклиф этилиши жаҳонда катта шов-шув бўлибгина қолмасдан, жамоанинг ўзига хос рекламасига ҳам асос бўлди. Бу ҳам ютуқ. Бунинг устига "Барселона"дек машҳур футбол клуби билан мустаҳкам алоқага киришиш ҳам яхши самара бериб, жаҳон оммавий ахборот воситалари ўзбек футболи тўғрисида ҳайрат билан ёза бошлади. Жамоа аъзоси Сервер Жепаровнинг 2008 йилда Осиё қитъасининг энг яхши футболчиси дея тан олинишига шу каби воқеалар ҳам сабаб бўлганини ҳеч ким инкор этмаса керак. Хуллас, мамлакатимизда, хусусан, "Бунёдкор"да футбол тараққиёти учун олиб борилаётган ишлар бугун бўлмаса, эртага натижа берса, ажабмас. Жамоанинг етакчи футболчилари эса мураббийларининг маҳоратлари эвазига 2008 йилнинг ўзида мамлакат кубогини ҳамда чемпионлигини қўлга киритди. Осиё чемпионлар лигасининг ярим финалигача чиқиб келгани ҳам бежиз эмас.

Футбол ишқибозлари яхши билишадики, ҳар йили Россияда МДҲ мамлакатларининг чемпионлари кубоги мусобақаси ўтказилади. Унинг ташкилотчилари шу кунга қадар бизнинг чемпионларимизга жуда паст назар билан қараб келишаётган эди. Баъзида Ўзбекистон чемпионлари ушбу мусобақада қатнашишдан олдин саралаш учрашувлари чиғириғидан ўтиши лозимлиги қайд этилган ҳолатлар ҳам бўлди. Бундай адолатсиз қарор миллионлаб ишқибозларнинг таъбларини хира қилиш билан бирга МДҲ кубогининг савиясига жиддий таъсир ўтказмасдан қолмади. Украина, Грузия ва Болтиқбўйи мамлакатларининг чемпионлари иккинчи таркиб билан қатнашадиган бундай мусобақада бизнинг энг кучли жамоамизнинг саралаш босқичидан чиқарилиши ҳар қандай ишқибоз ҳамда профессионал футболчининг жиғига тегади. Лекин бундай найрангларга "Бунёдкор" кутилмаган жавоб қайтарди ва 2009 йил МДҲ кубоги мусобақасида қатнашмаслигини билдириб, бизда ҳам футбол ривожланаётганини, бундан буён МДҲ чемпионларининг иккинчи таркиби билан куч синашишдан ҳеч қандай фойда йўқлигини маълум қилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Тошкентнинг "Бунёдкор" футбол жамоаси ўзбек футболи ривожига салмоқли ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқда. Жамоа раҳбариятининг олиб бораётган ишлари эса нафақат мамлакатимиз футболини, балки юртимиз номини жаҳонга танитишда катта аҳамият касб этмоқда. Аммо юқорида таъкидлаганимиздек, футболчилар ва мураббийларнинг трансфер баҳолари сир тутилаётгани одамлар орасида турли гап-сўзлар кўпайиб, хориж матбуотида турфа баҳсли, кўпинча асоссиз маълумотларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Нормурод МУСОМОВ,
журналист.

ҚЎРИҚЛАШ КУЧАЙТИРИЛДИ



Ямандаги АҚШ ва Россия элчихоналарини қўриқлаш кучайтирилди. Бунга номаълум кишининг Америка элчихонасига телефон қилиб, юқоридаги икки давлат ваколатхоналарини "Ал-Қоида" гуруҳи портлатмоқчи экани ҳақидаги хабари сабаб бўлди.

Associated Press тарқатган ахборотда айтилишича, Россия элчихонасига бундай хабар келмаган. Шундай бўлса-да, қўриқчилар кўпайтирилди. АҚШ элчихонасининг матбуот котиби ушбу давлатда яшовчи Америка фуқароларини ҳушёр бўлишга чақирди. Яман полицияси ҳар икки элчихонага кириладиган йўлларга постлар қўйди.

2008 йилнинг кузида ҳам "Ал-Қоида" АҚШ элчихонасига ҳужум уюштирганди. Натижада 15 нафар тинч аҳоли вакиллари ҳалок бўлганди.

САМОЛЁТ ҚУШЛАРГА УРИЛИБ КЕТДИ



Туркиянинг "Turkish Airlines" авиакомпаниясига қарашли йўловчи самолёт қушлар галасига дуч келгандан сўнг ерга қўнишга мажбур бўлди. Самолёт 143 йўловчи билан Истамбулдан Дания пойтахти Копенгагенга учаётган эди. Самога кўтарилганида қушлар галаси билан тўқнашгани учун самолётнинг бир мотори ишдан чиқди. Шундан сўнг ҳаво лайнери Истамбул аэропортига қайтишга мажбур бўлди. Хабарларда айтилишича, ҳеч ким жабр кўрмаган. Йўловчилар бошқа самолётда манзилига етказиб қўйилди.

РАДА ҚАРОРИ



Украина Олий Радаси мамлакатнинг молия-кредит соҳасидаги салбий ҳолат, миллий валюта — гривнанинг қадрсизланишида президент Виктор Юшенкони жавобгар деб топди. Масала овозга қўйилганда 227 депутатнинг 226 нафари ушбу қарорни қўллаб-қувватлади.

Қарорни Рада кун тартибига Юлия Тимошенко блоки аъзоси Святослав Олейник киритди. Унинг таъкидлашича, мамлакат молия-кредит тизимидаги бугунги ҳолат учун шахсан президент жавоб бериши керак. Чунки у икки марта парламентнинг Миллий банк бошлиғини ишдан олиш тўғрисидаги талабини рад этди.

С.Олейник Рада қарори президентга импичмент эълон қилишга асос бўлиши мумкинлигини таъкидлади.

ҲУКУМАТ ИСТЕЪФОГА ЧИКДИ

Кеча Исландия ҳукумати бутун таркиби билан истеъфога чиқди. Бу ҳақда бош вазир Гейр Хорде матбуот ходимларига маълум қилди. Ҳукуматнинг истеъфога чиқишига иқтисодий инқироз, шу муносабат билан мамлакатда келиб чиққан оммавий намойишлар сабаб бўлди. Масалан, 20 январь куни Рейкьявикда бўлиб ўтган намойишда аҳоли ҳукумат истеъфога чиқишини талаб қилди. Оммавий тўполонлар пайтида полиция кўздан ёш оқизувчи газ ишлатди. Бу эса номойишчиларнинг ғазабини баттар қўзғатди.



Бош вазир 23 январь куни янги парламент сайловлари ўтказишга қарор қилганини билдирди. Сайлов 9 май куни бўлиб ўтади.

ВЕРТОЛЁТЛАР ҲАЛОКАТИ

Душанба куни эрталаб Ироқ шимолидаги Киркук шаҳри яқинида иккита АҚШ ҳарбий вертолёти бир-бири билан тўқнашиб кетди. AFP тарқатган хабарга кўра, тўқнашув натижасида тўрт ҳарбий аскар ҳалок бўлган. Хабарда бошқа маълумотлар айтилмаган.

Сўнгги пайтларда Ироқда кўплаб чет эл авиацияси ҳалокатга учраяпти. Масалан, 2008 йилнинг 13 ноябрь куни «Ан-12» юк самолёти портлаб кетганди. Орадан икки кун ўтгач эса Американинг «ОН-58» вертолёти қулаб тушди.

Ҳозирги пайтда Ироқда 143 минг нафар АҚШ аскари бор. 2008 йилнинг ноябрида Вашингтон ва Бағдод ўртасида тузилган шартномага биноан Америка аскарлари жорий йилнинг июнидан кета бошлайди. 2011 йилнинг охирида эса битта ҳам АҚШ аскари Ироқда қолмайди.

ТАФСИЛОТ

Қурол ортидан бойлик

Дунё нотинч. Ҳар куни ер юзининг қаеридадир сув тошмоқда. Бошқа бир ерда одамлар совуқдан, яна бир бурчакда иссиқдан, зилзиладан озор чекмоқда. Булар камлик қилаётгандек, сўнгги йилларда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида қуролланиш пойгаси авж ола бошлади. Бу эса қурол сотиб бойлик орттираётган давлатлар ва компанияларнинг ошиғини олчи қилмоқда, чўнтагини пулга тўлдирмоқда.

Бир неча йилдирки АҚШ қурол сотиш бўйича дунёда етакчилик қилиб келаяпти. Маълумотларга қараганда, 2007 йилда расмий Вашингтон 24 миллиард 800 млн. долларлик қурол сотган. Бошқача айтганда, дунё бозорида очиқ сотилаётган қурол-яроғнинг 41,5 фоизи ушбу давлат ҳиссасига тўғри келган. 2006 йилда бу кўрсаткич 17 миллиард 400 млн. долларни ташкил этганди.

АҚШ ўз қуролларини Исроил, Канада, Мексика, Яқин Шарқ ва Европа мамлакатларига сотаётган бўлса, Россия қуролларига кўпроқ Хитой, Ҳиндистон, Шимолий Корея, Эрон, Сурия ва Жанубий Шарқий Осиё давлатлари харидор бўлмоқда. Кейинги бир-икки йилда АҚШ ҳарбий техникаси харидорлари сафига илгари нисбатан кўпроқ совет қуролларини сотиб олган Ироқ ва Афғонистон ҳам қўшилди. ОАВ хабарларида айтилишича, жорий йилнинг охиригача Ироқ армияси ихтиёрида бўлган барча автоматлар АҚШнинг М-16 винтовкаларига алмаштирилади. Бундан ташқари, Пентагон ва Ироқ мудофаа вазирлиги ўртасида йил охиригача расмий Бағдодга 6 миллиард долларлик қурол етказиб бериш тўғрисида шартнома имзоланган.

Қурол савдоси мўмай даромад манбаи эканини Буюк британияликлар ҳам яхши билишади. Шунинг учун ҳам Лондон бу бизнес ҳажмини йилдан-йилга ошириб бормоқда. Далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, Буюк Британия 2006 йилда 4 миллиард 100 млн. долларга қурол сотганди. 2007 йилда эса бу кўрсаткични икки баравардан ҳам оширишга эришди — 9 миллиард 800 млн. долларлик қурол-яроғ экспорт қилди.

Дунё бўйлаб давом этаётган глобал иқтисодий бўҳрондан ҳеч бир давлат четда қолмади. Кўп мамлакатларда саноат корхоналари тўхтаб, ишсизлар сони ортиб бормоқда. Лекин шундай шароитда ҳам ҳеч ким ҳарбий харажатларни камайтириш ҳақида ўйламаяпти. Масалан, Ҳиндистон ўзининг ўрта масофага учувчи Akash зенит-ракета комплексини ишга туширишга тайёргарлик кўрмоқда. Расмий Деҳлининг 2008 йилги ҳарбий харажатлари биринчи марта 26 миллиард доллардан ошди. Сабаби мамлакат ўзининг ҳарбий кучларини модернизация қилишга киришди. Бундан ташқари, Россия ва Ҳиндистон ўртасидаги ҳарбий соҳадаги алоқалар ҳам кенгайиб бораяпти. РФ раҳбарининг Деҳлига қилган сафари давомида ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик бўйича бир неча ҳужжат имзоланди. Жумладан, Ҳиндистон Россиядан 80 та Ми-17В-5 ҳарбий-транспорт вертолётини сотиб олади. Шунингдек, икки давлат ҳарбий заводлари қирувчи самолётларнинг бешинчи авлодини яратиш борасида ҳамкорлик қилади.

Ҳиндистоннинг қуролланишини Покистон ҳам диққат билан кузатмоқда. Фақат кузатаётгани йўқ, унга қарама-қарши қуролланишга зўр бераяпти. Лекин расмий Исломобод қуролларни Россиядан харид қилмайди. Покистон ўтган йили Хитойдан бир нечта А-100 реактив ракеталари сотиб олганди. Синаб кўргандан сўнг унинг кучли эканига ишонч пайдо бўлди шекилли, катта партияда ушбу қуролни сотиб олишга қарор қилди. Мамлакат осмонини бугун АҚШнинг F-16 самолётлари қўриқламоқда.

Яқинда Покистоннинг сув ости флоти кемалари сони ҳам яна биттага кўпаяди. Германияда ишлаб чиқарилган U-214 субмаринани сотиб олиш учун шартнома ҳужжатлари тайёрлаб қўйилган. Албатта, бу сувости кемаси ҳам бекорга харид қилинаётгани йўқ. У Ҳиндистон томонидан Франциядан Scorpene сув ости кемаси сотиб олаётганига Покистоннинг жавоби. Расмий Исломобод ядро қуролига эга давлат сифатида ҳам ўзини кўрсатмоқда. Яқинда у ядро калласлар ота оладиган "Шахин-1" баллистик ракетасини синовдан ўтказди.

Эрон ҳам ўзини ҳимоя қилишга жиддий киришган. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, бундай ташвишга унда асос бор. Сабаби кейинги йилларда Теҳрон ва Вашингтон ўртасидаги муносабатлар жуда кескинлашиб кетди. Ҳатто матбуотда АҚШ Эронни иккинчи Ироққа айлантириши мумкин деган хабарлар ҳам пайдо бўлди. Бу эса Эронни қуролланиш пойгасига қўшилишга мажбур қилди. Матбуотда бир неча марта Эрон ўрта масофага учувчи ўз ракеталарини ишлаб чиқиб, синовдан ўтказгани ҳақидаги хабарлар пайдо бўлган бўлса-да, экспертлар бунга ишонишмаяпти. Бундан ташқари, жаҳон ОАВда Эрон ўз ядро объектларини ҳимоя қилиш учун Россиядан С-300 ракеталари сотиб олгани, бу қурол Белорусь орқали манзилга етиб келгани ҳақида ҳам хабарлар пайдо бўлганди. Лекин ҳозирча бу хабар тасдиғини топгани йўқ.

Шуниси ачинарлики, халқи қашшоқликда кун кечираётган давлатлар ҳам қуролланиш пойгасига қўшилган. Бунга Шимолий Кореяни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Маълумотларга қараганда, бу мамлакатда ракета учириладиган полигон қурилиши охирига етмоқда. Демак, ракеталар ҳам яратилаяпти.

Дунёдаги ўзига тўқ мамлакатларда эса бунинг аксини кўриш мумкин. Улар иқтисодий бўҳрон туфайли ҳарбий қуроллар ишлаб чиқаришдан тийилиб турибди. Масалан, Швеция кўп мақсадларда фойдаланиладиган SEP бронли машина ишлаб чиқариш лойиҳасидан иқтисодий инқироз туфайли воз кечди. АҚШ ҳам бу борада Швециядан ўрнак олган кўринади. Пентагон пулни иқтисод қилиш мақсадида бешинчи авлод қирувчи самолётлар F-22 Raptordan режадаги 20 та ўрнига тўртта сотиб олишга қарор қилди. F-22 Raptor дунёдаги энг бой мамлакатга ҳам қимматлик қилмоқда.

Шу йил бошида Ғарб мамлакатларининг бир неча компаниялари ҳамкорликда F-35 қирувчи самолёти ишлаб чиқаришни йўлга қўйганди. Бундан улар яхшигина даромад олишни режалаштиришаётганди. Афсуски, бугун унга кутилганича харидор топилмаяпти. Сабаби Россияда ишлаб чиқарилган Су-35 қирувчи самолёти барча кўрсаткичлари бўйича ундан устунроқ экани маълум бўлди. Бунинг устига Су-35 анча арзон ҳам.

Қурол бозори ҳам бошқа бозорларга ўхшайди. Кимнинг моли арзон, сифатли бўлса, шу товар харидоргир бўлади. Аммо бу бозорнинг битта ўзига хос томони бор. Унда одамни йўқ қилишга хизмат қиладиган товар сотилади. Шундай экан, бу бозордан узоқроқ юрган маъқул.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

МОЗИЙ

МЕРОС

Одам гавҳари латифдир

ёки Шайх Хованди Таҳурнинг бебаҳо фалсафаси

Ўз даврининг йирик олими ва мутасаввуфларидан бири бўлган Шайх Хованди Таҳур XIII асрнинг иккинчи ярмида Хожа Умар Боғистоний оиласида дунёга келади. Али Сафийнинг "Рашаҳот» китобида ёзилишича, Шайх Хованд зоҳирий ва ботиний илмларнинг билимдони бўлган. Зоҳирий илмлар — диний ва дунёвий илмлар бўлиб, ботиний илм эса сўфийлик илмларидир. «Ўз отасининг тарбияти ва иноятининг сояси остида, — деб ёзади Али Сафий, — вилоят аҳлининг олий даражасига етишди ва шунга қарамай, баъзи турк машойихларининг суҳбатидан кўп фойдалар касб этди».

Жомийнинг «Нафаҳот ул унс» китобига ёзилган «Ламаҳот» асарида келтирилишича, Шайх Умар Боғистоний ўз фарзандини Шайх Зайниддин – Кўйи Орифон руҳини восита қилиб, Худодан тилаб олган экан. Фарзанд туғилгач, отаси уни Шайх Зайниддин мақбарасига олиб келади. Бу ерда юрган бир тўда каптарлар ҳавога кўтарилади ва уларнинг учиши ва овозидан «таҳур» сўзи қулоққа чалинади. Шайх Умар ўғлига қўйган Хованд исми ёнига Таҳурни ҳам қўшади. Хованд сўзи «худованд» сўзининг қисқартмаси бўлиб, хожа, жаноб сўзларини англатади. Баъзиларнинг ёзишича, бу сўз саййид ва хўжаларга нисбатан ҳам қўлланган. Таҳур пок ва софликни билдиради. Шайх сўзидан эса отасининг шайх бўлгани ва отасидан сўнг ўзи шайхлик курсисига ўтирганини билиш мумкин.

Шайх Хованд ҳам ўз отаси каби халқни илму ирфон билан тарбиялаш ишига қаттиқ бел боғлаган. Диний ва дунёвий илмлардан дарс бериш билан бирга, тасаввуф ғояларини ёйишга ҳам хизмат қилган. У отасидан фарқли ўлароқ, рисолалар ёзган ва шеърлар ижод қилган. Али Сафийнинг ёзишича, Шайх Хованди Таҳурнинг «Ашъори маъориф шиор», яъни маърифатни баён қилувчи шеърлари кўп бўлган. «Ҳазрати Эшон (Хожа Аҳрор Валий), — деб ёзади Али Сафий, — гоҳ-гоҳ суҳбат асносида уларнинг (яъни Шайх Хованднинг) шеърларидан ўқиб берар эдилар». Шайх Хованди Таҳурнинг ғазаллари бетакрорлиги, жозибаси билан ҳамон ўз қадрини йўқотмай келмоқда.

Шарқшунослик институтидаги тавсиф картотекаларида Шайх Хованднинг барча асарлари «Рисолайи Таҳурий» номи билан аталади. У "Рисола дар масойили шариат ва тариқат" (Шариат ва тариқат масалалари ҳақида рисола), "Рисолаи даҳ шарт" (Ўнта шарт ҳақида рисола), "Рисола дар аркони ислом" (Ислом арконлари ҳақида рисола), "Рисола дар одоби тариқат" (Тариқат одоблари ҳақида рисола) каби асарлардан иборат.



Шайх Хованди Таҳур "Шариат ва тариқат масалалари ҳақида рисола" асарини расулуллоҳ(с.а.в.)нинг: «Охир замонда шундай одамлар пайдо бўладиларки, сурати (кўриниши) одамга, сийрат (ички) эса бўриларга ўхшайди...» ҳадиси билан бошлайди. У ана шу ҳадисни бир неча варақларда шарҳлаб бўлгач, ёзади: *«Бу сўзларни тақриз ва таҳрир қилишдан муддао шулки, сен ўзингни танигилки, кимсан, мунофиқмисан ёки мувофиқмисан, Расул изидан юрувчимисан ёки Шайтоннинг аскаримисан, жонинг Аллоҳ ризосини хоҳлайдими ёки риё бирлан ҳавосиними, дил чақалоғи Шайтон сутини ичадими ёки Раҳмон шарбатини тотадими? Сен ўз касалинг ташхисини қидир ва нафсингнинг белги ва сабабларини ўрган!»*

Юнон ҳамда ислом фалсафасида оламнинг яратилиши асосида тўрт унсур – сув, ҳаво, олов ва тупроқ ётади. Чунончи, одамзот вужудида ҳам шундай унсурлар мавжудлиги айтилади. Шайх Хованди Таҳур шунга ишора қилиб, мазкур унсурларнинг ҳар бири яхши ва ёмон сифатларга эга экани ҳақида ёзаркан, яхши сифатлардан яхшилик ва ёмон сифатлардан ёмонлик зуҳурга келишини баён қилади: *«Олов агарчи пиширувчидир, бироқ куйдирувчи ҳамдир. Ҳаво агарчи созловчидир, бироқ қуритувчи ҳамдир. Сувдан агарчи тириклик бунёддир, бироқ узоқ туриб қолганидан бузуқлик пайдодир. Тупроқдан инсон жисмлари пайдо бўлсада, бироқ у қоронғулик ва зулматга эга унсурдир»*.

Муаллифнинг ёзишича, агар одамнинг ҳиммати яхши сифатлар сари майл этса, ундан яхши ва ёқимли хислатлар, баракат ва чиройли хулқлар пайдо бўлади. Ҳақни ҳақ ва ботилни ботил ҳолатида кўради. Агар кишининг ҳиммати ёмон сифатлар томон майл этса, яхшиликлар ўрнига ёмонликларни кўради, унинг вужудида ёндирувчи, чақиб олувчи, йиртиб ташловчи хислатлар пайдо бўлади, унинг табиатида зулмат ва ғафлат ҳоким бўла бошлайди. Бу феъллар кучая бошлагач, сийрат оинасини чанг босиб қорайтиради ва руҳ қуввати пасаяди. Натижада инсон барча ёмон иллатларга дучор бўлади.

Шайх Хованди Таҳур "Ислом арконлари ҳақида рисола" асарида ёзишича, инсонийлик гавҳари шайтоний ишлар учун яратилмаган, руҳоний хосиятлар ҳам шайтоний мақсадлар учун яратилган эмас. Одамнинг вужуди барча илоҳий сирларнинг қалъаси бўлиб, бу қалъани дунёвий хаёлотлар ташвишидан мустаҳкам асраш лозим. У одамзотни янада кўкларга кўтаришда давом этади. *«Одам гавҳари латифдир, ҳаёт эса жавҳари шарифдир, у икки марта қўлга келмайди, у ихтиёрсиз қўлдан кетади. Уни ғанимат тутгинки, у ҳосилга тўла бойлик ва азиз тутгинки, тез кетувчи мусофир кабидир»*. Алломанинг бу фикрлари нақадар ҳикматга тўла эканига имон келтирмай илож йўқ.

Рисолада шунингдек, диннинг поклигини бузишга интилган фирқалар қаттиқ танқид қилинади. Бу «гумроҳ, бадбахт» қавмлардан бири, — деб ёзади у, — мушаббаҳа дейилади, уларнинг фикрича, Аллоҳнинг жисми бор ва улар Аллоҳни ҳар хил жисмоний кўринишда баён қиладилар. Иккинчи гуруҳ каромиййа дейилади, улар Аллоҳни Арш устида ва маълум маконда турувчи, деб баён қиладилар. Яна бирида эса Хушом ибн ал-Ҳаким Аллоҳни жуҳуд (яҳудий)ларга ўхшаган шаклда эканини баён қилади. Равофизлар ҳам Аллоҳни жисмга эга сифатида талқин қиладилар. Нажория айтадики, Аллоҳ ўз зоти билан ҳамма ерда ҳозирдир. Мўътазиланинг айтишича, Аллоҳ ўз илми билан ҳамма ерда мавжуддир. Тарсолар эса «уч»ликни даъво қиладилар. Уларнинг баъзилари ота, ўғил ва хотин сифатида талқин қиладилар. Муғон (оташпараст)ларнинг ўйлашларича, яратувчи иккита бўлиб, бири яхшиликни, иккинчиси ёмонликни яратади. Таббоъиёнларнинг фикрича, яратувчи тўрттадир: иссиқлик, совуқлик, ҳўллик ва қуруқлик. Афлокийлар еттита дейишади, яъни етти сайёрани назарда тутадилар. "Сен эшитган бу гуруҳларнинг барчаси, — деб ёзади Шайх Хованди Таҳур, — ҳақнинг мункирлари бўлиб, жаҳаннамга тушадилар». Олимнинг ёзишича, улар муфлис (бечоралар) бўлиб, азал меҳмонхонасида дўст дастурхонидан насиба топмагайлар ва ёруғлик кўрмагайлар, улар кўрганларини билмайдилар ва билганларини танимайдилар".

Шайх Хованди Таҳурнинг минглаб ихлосмандлари бор эди. У мадрасада дарс берди, хонақоҳда эса одамларни тасаввуф орқали тарбиялади.

Шайх Хованднинг ўғли Хожа Довуд ҳам ўз даврининг йирик олими ва шайхи бўлиб етишади. Хожа Довуд етти ёшда эканида отаси Шайх Хованд вафот этади. Али Сафийнинг ёзишича, Хожа Довуд ҳам тариқат бобида етук шайх даражасига етиб, кучли кароматлар соҳиби бўлган.

Ўз даврининг етук диний пешвоси, Мовароуннаҳрда ҳамиша тинчлик ҳоким бўлиши учун курашган, топган мол-у давлатини халқ йўлида нисор қилган Хожа Убайдуллоҳ (Хожа Аҳрор Валий)нинг ҳам Шайх Хованди Таҳурга ҳурмати чексиз эди. Ҳатто 16-17 ёшлардаги Хожа Аҳрор кечалари уйидан чиқиб кетиб, йўқолиб қолса, онаси уни Шайх Хованд қабри ёнидан топарди. У қоронғи кечаларда ҳам Шайх Хованд қабрини зиёрат қилар ва унинг руҳидан маънавий кўмак олишга интилар эди.

Хожа Аҳрор Валийнинг сафдоши ва куёви Мир Абдул Аввал томонидан ёзилган «Масмуъот» китобида келтирилишича, Хожа Аҳрор (888) 1483 йили, яъни вафотидан етти йил олдин Тошкентга келади ва Шайх Хованд қабрини зиёрат қилади. Бу маълумотдан кўриниб турибдики, Хожа Аҳрор Валий умрининг охирида ҳам Шайх Хованд қабрини зиёрат қилишни унутмаган.

Хулоса қилиб айтганда, Шайх Хованди Таҳур ўзи яшаган даврда инсонпарварлик ғояларини илгари сурди. Ҳар бир инсоннинг покиза ҳаёт кечириши, ҳалол яшаши, ўз меҳнати билан кун кўриши, одамларга яхшилик қилишини тарғиб қилди, илм ўрганишга чақирди. Ўзи эса бу борада бошқаларга ибрат бўлди. Одамларга тўғри йўлни кўрсатди. Илм ва диннинг пок бўлиши учун курашди. Бузуқ оқимларни қаттиқ танқид қилди ва уларнинг нотўғри фикрларини фош этди. Ёлғончи пир-у муршидлар ва ўзларини сўфий деб атаб, аслида тасаввуф ғояларини бузиб юрган кишиларнинг асл башарасини очиб ташлади.

Бетакрор ашъорлар ёзиб, ислом нурига чулғанган рисолалар битган Шайх Хованди Таҳур ҳижрий 756, милодий 1355 йили Тошкентда вафот этади. Аммо, мана, неча асрлар ўтибдики, бу зот халқнинг ёдида. Унинг қабри асрлардан буён зиёратгоҳ бўлиб келмоқда. Пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги катта туманлардан бирининг Шайхонтоҳур номи билан аталиши ҳам бу зотнинг қанчалик улуғ сиймо экани, халқимизнинг унга бўлган чексиз ҳурмат-иззати ва эҳтироми ифодасидир.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
тарих фанлари доктори.
Каромат ҚИЛИЧЕВА,
педагогика фанлари номзоди.

БАНК ВА МИЖОЗ

Фермер ва тадбиркорларнинг ишончли ҳамкори

сифатида иш юритаётган очиқ акциядорлик тижорат "Пахта банк"нинг Жиззах вилоят бошқармаси жамоаси фаолияти ҳақида

Иқтисодиётни эркинлаштириш, пул-кредит сиёсатини мустаҳкамлашда тижорат банклари олдида турган вазифа ғоятда масъулиятли ҳисобланади. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сифатли хизмат кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлаш каби хайрли ҳамда савобли ишлар молия муассасалари зиммасига юклатилгани ҳамда улар бу ишни муваффақият билан амалга ошириб келаётгани қувонарли ҳолдир.

Ихчам ускуналар ва минитехнологиялар сотиб олиш учун тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратилмоқда. Ўтган йилда 18 дан зиёд кичик бизнес субъектига 303 миллион сўмдан кўпроқ лойиҳалар молиялаштирилиб, 120 дан ортиқ иш ўринлари ташкил этилди. Ажратилган кредитлар ҳисобига полиэтилен, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда аҳоли турмуш тарзига зарур бўлган халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Вилоятда мева-сабзавотни қайта ишлаш учун минитехнологияларни жалб қилиш мақсадида Молия вазирлиги кредит ресурси ҳисобидан битта мижозга 150 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Эндиликда ҳудудда етиштирилган мева-сабзавот шу ерда қайта ишланади.

Бундан ташқари, сервис соҳасини, аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш, қишлоқ жойларда иш ўринларини ташкил этишга молиявий кўмаклашилиб, 31 та тадбиркорга 673 миллион 300 минг сўм маблағ берилди. Натижада меҳмонхона, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш марказлари, сартарошхона ва тикувчилик цехлари барпо этилди.

Президентимиз Фармонига кўра, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида режадаги 261 миллион 800 минг сўм ўрнига 300 миллион сўмдан кўпроқ кредитлар берилди. Ўнлаб оилалар ўз уйларига эга бўлишди.

Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмол кредити тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш, аҳолининг истеъмол товарлари ва хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида банк филиаллари томонидан аҳолига истеъмол кредитлари ажратиб келинмоқда. Ўтган йилда молиявий муассаса филиаллари томонидан жами 6,5 миллион сўмдан кўпроқ маблағ шу мақсадга йўналтирилди.

Давлатимиз раҳбарининг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан 2008 йилда режадаги 140 миллион сўм кредит берилди. Банкнинг ўз маблағи ҳисобидан 212 миллион 500 минг сўм кредит ажратиш белгиланган эди. Ички имконият ҳисобга олиниб, бу кўрсаткич 243 миллион 200 минг сўмга етказилди.

Бошқарма ва унинг филиалларида 153 дона терминал ва 1 та банкомат ўрнатилган бўлиб, мижозларга пластик карточкалар асосида хизмат кўрсатилмоқда. Шундан 113 дона терминал савдо дўконлари, 14 донаси АЁҚШларда, 9 донаси умумий овқатланиш пунктларида, қолганлари эса меҳмонхона ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўрнатилган.

Маълумки, ўзини ҳам, халқнинг манфаатини ҳам ўйлайдиган тадбиркорлар юртимизда кўплаб топилади. Етти ўлчаб бир кесиш эса кўпроқ уларга хос одат. Тадбиркор Рустам ака Ҳамидов банкнинг Ғаллаорол туман филиалидан 30 миллион сўмлик имтиёзли кредит олди. Олган қарзни уч йил муддатда узиши лозим.

Рустам аканинг "Меҳнат" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси сўлим Ғаллаоролнинг Лалмикор қўрғонида жойлашган. Тадбиркор одамларга нафим тегсин дейдиганлар тоифасидан. Россия Федерациясидан гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган технологиясини келтириб ўрнатди. Айни пайтда ушбу кичик корхона бир кеча-кундузда 500 килограмм гўшт, 1 тоннага яқин сутни қайта ишлаш қувватига эга. Бугун бу ерда колбаса, творог, пишлоқ, сариёғ, кефир каби аҳоли истеъмоли учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарилаяпти. Улар сифатлилиги билан тобора харидоргир бўлиб бормоқда. 20 нафар киши иш билан таъминланди. Шунингдек, тадбиркор тайёрлаган маҳсулотларини болалар боғчаларига, "Маржон суви" фахрийлар сиҳатгоҳига ва бир неча савдо дўконларига шартнома асосида етказиб бермоқда.

— Қисқа фурсатда кредитнинг салкам ўн миллион сўмидан қутулдик. Йил охиригача, насиб этса, яна бир қисмини қайтарамиз. Ахир, омонатни вақтида қайтарган одамнинг лафзи ҳалол бўлади, — дейди тадбиркор.

Рустам аканинг келгусидаги режалари бисёр. У мевани қайта ишлайдиган цех қуриш, қандолат маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйишдек хайрли ташвишлар ҳаракатида юрибди. Халқимизда «Интилганга толе ёр», деган ажойиб мақол бор. Элимиз дастурхонини тўкин қилишга интилган тадбиркорнинг ниятларига етишига тилакдошмиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакилларини қўллаб-қувватлаётган "Пахтабанк" фаолиятидан эса бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Зеро, молия муассаса жамоаси уларга нафақат молиявий кўмакчи, балки ҳар томонлама яқин маслаҳатчи, ишончли ҳамкорга айланмоқда.

Норқул МАЪМУР,
"Hurriyat" мухбири. ®

ХОТИРА

Маҳорат мактаби яратган адиб

Ўзбек адабиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшган, тавал-лудининг юз йиллиги шу кунларда ёд этилаётган атоқли ёзув-чи ва моҳир таржимон Мирзакалон Исмоилийнинг номи тил-га олинганда биринчи галда «Фарғона тонг отгунча» романи эсга тушади.Бу асарнинг яратилиш тарихининг ўзи алоҳида мавзу. Маълумки, Мирзакалон Исмоилий ўтган асрнинг ўттиз-инчи ва эллигинчи йилларидаги қатағонда асоссиз қораланиб,шўро қамоқхонасининг жамики азоб-уқубатларини бошидан кечирган жафокаш адиб эди. Иродали ёзувчи «Фарғона тонг отгунча» асарини қамоқхонада ёзган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай эслаган эди: «Мен бу китобни ёза туриб қанчалар йиғлаганман, қанчалар қон ютганман!.. Билсангиз, пешонамда темир панжара, тепамда ўлимтик чироқнинг ўлиб бўлган қора нури, остимда зах, совуқ бетон, эшигида отнинг калласидек қулф!..»

Ана шундай оғир шароитда, қон ютиб ёзилган асарнинг чоп этилиши ҳам осон бўлмаган. Ёзувчилар уюшмасидаги муҳокамада муаллифга асоссиз талаблар қўйилади. Оқибатда асар нашрга тавсия этилмайди.Ниҳоят, Ёзувчилар уюшмасига янги раҳбар келгач, 1958 йили роман 15 минг нусхада (ўша давр учун бу жуда оз эди) чоп этилади ва тез фурсатда тарқалиб кетади. Адабий жамоатчилик ва китобхонлар тилига тушади. Кейинчалик романнинг иккинчи китоби ҳам нашр қилинади.

«Фарғона тонг отгунча» романида XIX асрнинг биринчи ярмидаги ҳаётнинг кенг қатлами, турли тоифага мансуб одамларнинг образлари ёрқин бадиий бўёқларда тасвирланган.Асар чуқур миллий руҳ билан суғорилган. Устоз бир суҳбатимизда: «Агар асаримни ҳозир қайта ёзганимда, уни бутунлай бошқача ёзган бўлар эдим», — деган эди. Шунга қарамай, бу роман адабиётимизнинг олтин хазинасидан муносиб ўрин олган.

Мирзакалон Исмоилий ижодий фаолиятида бадиий таржима ҳам салмоқли ўрин тутади. У рус ва жаҳон адабиётининг икки юздан ортиқ асарини ўзбек тилига маҳорат билан ўгирган. Таржимашунос олимларнинг кузатишларича, ўзбек адабиётида ҳеч бир ижодкор бу қадар кўп ва хўп таржима қилмаган экан.

Маълумки, ёзувчи дуч келган асарни таржима қилавермаган. Аввало, истеъдодининг йўналиши кўнглига яқин бўлган адибларнинг асарларига қўл урган. Айни чоғда у таржима қилган асарлар ўз даврининг маънавий-маърифий эҳтиёжи туфайли ҳам юзага келган. Ана шу ҳолат кўпинча таржиманинг муваффақиятини таъминлаган.

— Ўттизинчи йилларда ҳам "китоб очарчилиги" бор эди, — деган эди Мирзакалон Исмоилий. — Ўша маҳаллар нашр қилинган бадиий асарларни бир ўтиришда ўқиб қўйиб, яна нимамиз бор, деб китоб қидириб қолардик. Шу сабабдан бўлса керак, ўша даврнинг китобга муккасидан кетган ёш ниҳоллари бадиий асарга чанқоқлигини тиши ўтса русча, бўлмаса озарбойжонча, татарча китоблар ўқиш билан босар эди. Ўша кезлар «Сўна»ни рус тилида ўқидиму худди сеҳрланган одамдай, анча маҳалгача ўзимга келолмай юрдим. Шунда: «Қани энди бу китобни ўзбек тилига таржима қилсам, халқимнинг бошқа фарзандлари ҳам мен олган завқни олсалар», деб орзу қилдим. Орзуим тез орада ушалди.

Э.Войничнинг «Сўна» романи Мирзакалон Исмоилий таржимасида уч марта нашр қилинган. Таржимон романнинг ҳар бир нашрини қайта-қайта ишлаб, янгидан сайқал берган. Шу боис асар нашрдан-нашрга мукаммаллашиб борган.Э.Л.Войнич ҳаёти ва ижоди билан шахсан таниш бўлган, у билан ёзишмалар олиб борган, «Сўна» изидан» номли машҳур китобнинг муаллифи Евгения Тарату-та Мирзакалон Исмоилийга махсус хат йўллаб, романни қандай таржима қилгани ҳақида ёзиб юборишни илтимос қилгани ҳам бежиз эмас.

Мирзакалон Исмоилий суйиб таржима қилган асарлардан яна бири — машҳур турк ёзувчиси Рашод Нури Гунтекиннинг «Чолиқуши» романидир. «Бизда «Ўткан кунлар» қанчалик машҳур бўлса, «Чолиқуши» ҳам Туркияда шунчалик машҳурдир. Шу асарни кўп вақтдан буён ўзбек китобхонига илиниб юрардим», — деган эди Мирзакалон Исмоилий бир суҳбатимизда.

Не бахтки, Мирзакалон Исмоилий хизмати туфайли «Чолиқуши» романи энди бизда ҳам машҳур бўлиб кетди.Бу асар ўзбек тилида қайта-қайта нашр қилинди ва эҳтиёж катталигидан ҳамон яна босилмоқда.Таржимон романнинг дастлабки нашрларини қайта таҳрир қилиб, сайқал бериб борган.

Маълумки, жаҳон адабиётининг кўпгина намуналари илгари ўзбек тилига асосан рус тили орқали ўгирилган. Аслиятдан таржима қилувчи таржимонлар саноқли эди. «Чолиқуши» бевосита турк тилидан таржима қилингани билан ҳам қимматлидир. Романдаги китобхонни бошдан-оёқ сеҳрлаб қўядиган жозиба, тасвирдаги лиризм, ҳаётбахш юмор, мунг ва булардан туғиладиган ажиб, бетакрор оҳанг таржимада ҳам ёрқин акс этган. Шубҳасиз, «Чолиқуши» адибнинг энг сара таржималаридан ҳисобланади.

Мирзакалон Исмоилий А.П.Чехов асарларининг ҳам моҳир таржимони эди. У таниқли рус ёзувчисининг «Қайғу», «Ёш болалар», «Душманлар», «Жаҳолат», «Полинька», «Верочка», «Рўза арафасида», «Володя» каби кўплаб ҳикояларини ўзбек китобхонига туҳфа қилган.

Мирзакалон Исмоилийнинг ёзувчилик ва таржимонлик фаолиятида атоқли рус ёзувчиси Л.Н.Толстой ижоди катта роль ўйнади. Бугунги кунда ёзувчининг «Анна Каренина», «Тирилиш», «Тирик мурда» каби шоҳ асарлари Мирзакалон Исмоилийнинг заҳматли меҳнати туфайли халқимизнинг маънавий мулкига айланган. Толстой ижоди билан жиддий мулоқотда бўлиш ёзувчилар учун маҳорат сирларини ўрганишда бетакрор мактаб ҳисобланади. Мирзакалон Исмоилий Л.Толстой асарларининг моҳир таржимони бўлибгина қолмай, ёзувчи ижодининг жонкуяр тарғиботчиси ҳам эди. Адиб Толстой асарларининг ўзбек тилидаги таржималари ҳақида мақолалар ёзиб, адабий жамоатчилик эътиборини бу соҳадаги муҳим масалаларга жалб этганди.

Мирзакалон Исмоилийнинг истеъдоди бадиий таржима соҳасида янада яққол намоён бўлди. Унинг ижодий фаолиятида ўзбек таржимачилигининг ярим асрлик тараққиёт йўли ўз аксини топганди. Афсуски, устознинг бой мероси, ижодий тажрибаси шу маҳалгача етарли даражада ўрганилмади. Бу меросни махсус тадқиқ этиш, умумлаштириш таржима назарияси ва амалиёти учун катта аҳамиятга эга. Айниқса, рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиш тамойилларини ишлаб чиқишда, қатор назарий ва баҳсли муаммоларни ҳал қилишда устоз мактаби асқотади. Адиб таржима назарияси ва амалиёти ривожига мукаммал таржималари билангина эмас, балки соҳага доир мақолалари, илмий маърузалари, ёш мутаржимларга ёрдами билан ҳам катта ҳисса қўшди. Ёзувчилик ва таржимонлик фаолияти билан классиклардан ўрганишнинг ҳақиқий намунасини кўрсатди. Бадиий таржима ёзувчи учун улкан маҳорат мактаби экани устоз ижоди мисолида яна бир карра яққол намоён бўлди. Айни чоғда сара таржималари билан ўзбек тилининг бойлигини,-гўзаллигини, қудратини, беқиёс ички имкониятларини бор бўй-басти билан кўрсатди.

Устознинг бой ва ибратли тажрибаси бадиий таржима қийин ва масъулиятли санъат эканини, ҳақиқий, тўлақонли, баркамол, умрбоқий таржимага чинакам истеъдод ва заҳматли меҳнат орқалигина эришиш мумкинлигини исботлади. Адиб қаламига мансуб бўлган жуда кўплаб баркамол таржималар мутаржимлар, қаламкашларнинг бутун бир авлоди учун чинакам маҳорат мактаби ва илмий тадқиқотлар учун туганмас, қимматли манбадир.

Мирзакалон Исмоилий бадиий публицистика соҳасида ҳам баракали ижод қилган эди. Унинг вақтли матбуотда, республика радиосида эълон қилинган ва кўпчиликнинг тилига тушган шов-шувли чиқишлари кейинчалик «Инсон ҳусни», «Одамийлик қиссаси», "Озод инсон ҳақида қўшиқ», «Қизлар дафтарига» каби китобларига киритилган. Бу асарларнинг айримлари ўз даврининг мафкураси таъсиридан холи бўлмаса-да, мустақиллик йилларида ҳам аҳамиятини йўқотмади, қайта чоп этилди.

Устоз ўз илмига амал қиладиган инсон эди. Одамларга эътиборли, саховатли, қўлидан келганча ҳаммага яхшилик қилгиси келарди. Мухлисларнинг хатларига эринмай жавоб ёзар, маслаҳатлар берарди. Уларнинг айримлари билан бир умр отабола бўлиб, яқинлашиб кетарди. Табиатан кўнгилчан, меҳрибон бўлиш билан бирга, ҳаётда адолатсизликка, ноҳақликка дуч келса, меҳри осонгина қаҳрга айланарди. Шундай кезларда у чўрткесар, дангалчи бўлиб қолар, рўпарасида ким турибшидан қатъи назар, кимлигини юзига дангал айтар, шу феъли туфайли кўп азият чеккан эди. Шундай кўнгилсиз воқеалардан бирини ўзаро суҳбатимизда (устознинг ижодини ўрганиб, у ҳақда мақолалар, китоблар ёзиш учун уйига тез-тез бориб турардим) ўзи айтиб берган эди.

Мирзакалон Исмоилий бадиий ижодни, адабиётни муқаддас деб билар, шу боис бу даргоҳга адашиб кириб қолган айрим олғирларни ёқтирмас эди. Эсимда, бир куни адибнинг «Болалар дунёси» дўкони ёнидаги уйига борсам, жиғибийрон бўлиб ўтирган экан. "Тинчликми, домла?» дея ҳол-аҳвол сўрасам, истар-истамас жавоб қилдилар: «Қўшним (устоз ҳарбий мавзуда юзаки асарлар ёзиб юрадиган бир қаламкашнинг номини айтди) бир нарса ёзган экан, менга ўқишга берувди. Ўқиб кўрсам, ҳали анча хом экан. Ўзига фикримни айтиб, маслаҳат берсам: «Шу жойларини ўзингиз ёзиб қўя қолинг, сизни рози қиламан», — деса бўладими? Жаҳлим чиқиб, роса сўкдим.Ўзиям бир замбил лой бўлиб қолди! Тавба, ярамас мени ким деб ўйладийкин?..»

Ҳа, устоз ҳеч қачон виждонига, иймон-эътиқодига зид иш қилмаган эди.

Адабиётимиз ва маънавиятимизга салмоқли, умрбоқий асарлари, мукаммал таржималари билан улкан ҳисса қўшган ва ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган атоқли ёзувчи Мирзакалон Исмоилийнинг порлоқ хотираси олдида ҳамиша бурчлимиз.

Шодмон ОТАБЕК

МУТОЛАА

"...Ой ўроғи сув бетида қалқиб, майсаларнинг сирли шивири қулоқларингизга келиб урилганида, тун шабадаси тоғ-райҳонлар ҳидини димоғингизга етказган хуш чоғларда юрагингизнинг ич-ичига довур ёришиб кетади. Гўёки она борлиқ ва тириклик дунёси аёл меҳридан чарақлаб, табассуминг тафтидан куч олаётгандек!"

Асар қаҳрамонлари билан яшайдиган ижодкор

Бу жумлалар «Умр ҳикматлари», «Қоядаги атиргул» китобларининг муаллифи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Гулчеҳра Жамилованинг "Мовий баркут" сири" номли янги китобидан олинган.

Гулчеҳра нозик ўйлайди, нафис ёзади. Унинг энг муҳим мавзуси — аёллар қалби ва тақдири, ўйлари ва йўллари. Бош қаҳрамонлари — қишлоқ аёллари. Улар ўз қишлоқларида туғилиб, ўша ерда болаликнинг энг тоза хотираларидан кўнгил узмай нафас оладилар. Ҳаёт эса кутилмаган қувонч ва изтиробларини ҳадя этиб, аёл кўнглини минг бир куйга солади.

Уларнинг кўнгли бир яхши сўздан тоғдай кўтарилади, бир совуқ назардан куздай сарғаяди. Бахт излаб йўлга чиққан ёш қизлар тақдир синовларига дош бера олмай, барглардай тўкилаётган лаҳзаларида ҳам Гулчеҳра уларнинг умидини узмайди, ҳаётдан ёруғлик излаб яшаш лозимлигини айтади. Бу ҳолатларни рост туйғуларда кўрсатади.

"Яхшиямки, узун тунлар бор... Дардли қалбнинг сим-сиёҳ дафтарини оҳиста варақламоқ учун қоронғу кечалардан қулайроқ вақт топиларми-кан? Йўқ! Жамики изтиробларингни мана шу зимистон тунгина ўз бағрига сиғдира олади. "Мен ғамларимни дарёга сўйласам, суви қуриди. Тоғларга айтсам, тошлари нураб тўкилади, сўнг зим-зиё тунга қараб бўзлагандим, у мени жимгина эшитди..." сатрлари билан бошланган "Осмон узоқ эди" ҳикоясида қадр топмаган беғубор муҳаббат армонлари, севгисиз бошланган турмушда бир-бирига бегона қалбларнинг совуқ муносабатлари воқеалар ривожида равшан тортиб боради. Бош қаҳрамон — Гулзорнинг ўйлари-ю, ҳаётига эргашиб бораётган ўқувчининг қизиқиши ортади.

Дарҳақиқат, аёл кўнглидан кенг, айни пайтда тошдан ҳам қаттиқ, сабрли, меҳрли, бир сўз билан айтганда, самимий дунёни топиш мушкул. Унга нима етишмайди, нимани излайди доим? У барчадан меҳр ва муҳаббат кутади.

Айниқса, қишлоқ қизларининг юрагидаги орзу-умидларини юзага чиқаришга нималардир тўсиқдай туюлаётган лаҳзаларини адиба сўзлари, қалб зарбларида ифодалашга жазм этади. Бу бизни уларнинг оламига янада яқин ва қадрдон этиб боради. Гулчеҳра ўз қаҳрамонларида энг гўзал фазилатлар сақланиб қолишини жуда истайди. Буни "Тоғ гўзали" ҳикоясидаги қаҳрамон тилидан ифодалашга уринади.

Гулчеҳранинг "Мовий баркут» сири нимада экан, дея ўйладим.

"Дарвоқе, ўша кун...

— Вой, манави гулни қаранг! — у қўлидаги лолаларни Қодирга тутқазди-ю, сал нарида очилиб турган бир туп ҳаворанг гуллар томон чопди. Гулнинг япроқлари бахмалдек майин, ўртасидаги "косача" ним сариқ тусда товланарди.

— Жуда антиқа экан, ҳеч бунақасини кўрмагандим, — тобора ҳайратланарди қиз.

— "Мовий баркут" дейдилар буни. Экиб қўйсангиз бас, баҳорда илдизидан кўпаяверади, — деди Қодир. Сўнг гулнинг бир донасини узиб, Салтанатга узатди. — Ҳидлаб кўринг, мазза қиласиз.

— Ҳа, чиндан ҳам ажойиб экан...

—Бир нарсани айтайми? — деди-ю, Қодир негадир жимиб қолди. Сўнг қизга қараб жилмайди. — Салтанатхон, сиз "Мовий баркут"ни кўрдингизу, аммо унинг сиридан бехабар қолдингиз-да. Биласизми, бу гул ой ёруғида бинафшаранг нур тарата-ди!"

Бу — муҳаббатнинг ёруғ туйғуларига ишора. Гулчеҳранинг ҳар бир қаҳрамонида шу ҳис мужассам. Инчунун, аёл қалби ҳамиша бахтга интиқ. Ирода, сабр, ишонч — уларнинг йўлларида. Гулчеҳра қаҳрамонларини ўз синглисидай, онасидай, дугонасидай севиб, ардоқлаб тасвирлайди. Шунинг учун ҳам ўқувчи уларга ишонади, меҳр қўяди. Ижодкор асарларидаги қаҳрамонлар қайғуларида ҳам, изтиробларида ҳам, энг бахтли кунларида ҳам, орзуларида ҳам улар билан бирга. Шуниси билан бизга қадрли ва яқин. Шундандир, аёлни ҳамиша бахтли, дегинг келади. Қалами нафис ва заҳматкаш журналист Гулчеҳра Жамилованинг "Мовий баркут" сири" асари китобхонлар учун чинакам совға бўлди. Қалбимизда меҳр-муҳаббат оловлари ёнар экан, биз ҳар доим мана шундай яхши китобларнинг харидори бўлиб қолаверамиз.

Ойгул СУЮНДИҚОВА

ФИКР

Топишмоқнинг жавоби

Болалигимда кўпчилик тенгқурлар бир жойга тўпланишиб, узун тунлари бир-биримизга топишмоқ айтардик. "Чопса, чопилмайди, кўмса, кўмилмайди" (соя), "Кундузи гилам қоқар, кечаси қучоқлашиб ётар" (киприк) каби ўнлаб, юзлаб топишмоқларнинг жавобини олис-олисларда милтиллаб турган юлдузларга термилиб, излардик, ҳаммадан билимдонроқ эканимизни намойиш этиш илинжида бош қотирардик. Бу жараён, табиийки, мактабга ҳам кўчарди. Эндигина университетни битириб келган ёшгина муаллимамиз ҳам бизга қўшилар, топишмоқнинг жавобини топса, ёш боладек қувониб кетарди. Кейин ўзи биладиганларини айтиб, бизни ўйлашга, мушоҳада юритишга чақирарди. Энди ўйлаб қарасам, шу ўй, онгимизнинг қайсидир пучмоқларида жавоб вариантларини бир-бирига солиштиришимиз, мулоҳазага ундаётган образли сўзларнинг моҳиятини аниқлашга интилишимиз тафаккуримизни чархлаб ҳам борган экан.

Қадимда топишмоқлар турли қавмларда турли вақтларда айтилган. Масалан, русларда рождество кунлари, удмурт халқида йиғим-терим ишлари тугагач, диний байрамларда айтилган бўлса, уйғурларда одамлар супа ўртасидаги ўчоқдаги иссиқ кулга ошқовоқ кўмиб, унинг атрофида латифа, лапар ва албатта топишмоқ айтиб, вақтичоғлик қилишган, ойдин кечаларни тонгга улаганлар. Бошқа халқлар каби бизнинг ота-боболаримиз ҳам кундалик меҳнатдан бўшаганларида, тўй маросимларида гуруҳларга ажралиб, аёллар урчуқ йигириш, олача тўқиш баробарида махсус топишмоқ кечаларини уюштиришган. Бу жараёнда баравар иштирок этган ёшлар эса катталардан зукколик билан биргаликда ҳаётни идрок этишни ҳам ўргана борганлар.

Халқ оғзаки ижодининг ажралмас қисми бўлган топишмоқлар болалар зеҳнининг ўткир бўлишига, хотирасини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Аммо кўп афсуски, бугунги кунда фольклоршунослигимизнинг мазкур бетакрор сўз намунасига бўлган эътибори анча сусайиб кетгандек. Ҳақли савол туғилади. Хўш, бу қадриятнинг унутилиши миллат келажаги бўлган ёш авлод идроки, тафаккурига таъсир этмасмикан? Шундай завқли, фойдали машғулотдан бебаҳра катта бўлаётган ёш авлод, эртага ҳаётнинг мураккаб жумбоқлари олдида довдираб қолмасмикан? Бу саволлар назаримда оддий саволлар эмас. Балки, барчамизни ёш авлод тарбиясига бефарқ бўлмасликка ундаётган маънавиятимизга дахлдор масалалардан биридир.

Менимча, бу ҳолатнинг ўзи бир топишмоққа ўхшайди. Энди айтинг-чи, унинг жавобини ким топади?

Улуғбек ЗОКИРОВ

Тунов куни гўзаллик салонига кириб қолдим. Сартарош аёл 10-11 ёшлардаги қизалоқнинг сочларини турмаклаш билан банд эди. Разм солиб турсам, қизалоқнинг муштдеккина боши устига минг оҳанжама билан қўндирилаётган "саватча"-дан, уни қотирувчи ва ялтиратувчи бўёқлар залворидан нозиккина бўйни озор топаётгандек эди. "Прическа"ни кўриб, қизчанинг онаси завқланиб кетди. Эгилиб қизалоғининг лабларини, ёноқларини бўяди. Қовоқларига ялтироқ кукун сепди. Икки-уч қарич бўй қўшилса, қизча тап-тайёр келин бўлди-қолди.

ЎЙЛАБ КЎРИНГ

Меъёр қани?

Ўзини ойнага солиб, тўймаётган боласига она: "Синфингдаги энг чиройли қиз сен бўласан!", — деди жилмайиб.

— Жудаям ошиб кетмадими?, — сўрадим беихтиёр аёлдан. — Биз байрамларда оппоқ ленталар тақиб, мактаб ўқувчисига хос кийинар эдик, — дедим.

— Вой... у даврлар бошқача эди, ҳозир замон шуни талаб қилади. Замондан орқада қолиб бўларканми, — деди она қизалоғини етаклаб чиқиб кетаркан.

Бир куни дугонамникига чиқдиму, аллақаёққа отланаётган синглисига кўзим тушди. Ўн саккиз ёшлар чамасидаги қиз баланд зинада туриб оёқ кийимини кияркан, орқа белидан кирган шамол ёқасидан айланиб чиқарди. Отаси пастда туриб, қизига пул тутарди. Онаси пул камлигини айтиб, отани яна чўнтак кавлашга ундарди. Шу ҳолатда мени бошқа нарса ўйга солди: балоғатга етган қиз кўчага, умуман бегона одамлар орасига отланаяпти. Аммо... на ота, на она фарзандининг ташқи қиёфасига эътибор қаратмасди.

Ҳа, айрим ота-оналар боласининг қорнини, чўнтагини ўйлайдилару, унинг ташқи қиёфасига бефарқ қарашади. Қизларининг сумакдек тор кийим-кечакларни кийишига одатий ҳолдек муносабатда бўладилар ёки буни замонга тўнкаб қўя қолишади. Менимча, ота-оналар айбни ўзларидан соқит қилиш учун шундай йўл тутсалар керак. Оқибатда бола ташқаридан кириб келаётган ҳар қандай урф-удумни иккиланмай ўзлаштираверади.

Шу боис ёшларда кузатилаётган ғайритабиий кўринишларни табиийдек қабул қилишларида, энг аввало, катталарнинг — ота-оналарнинг ҳам «ҳиссалари» бор, дейиш мумкин. Жойларда маҳалла фаоллари йиғинларида бу мавзулар ўртага ташланса, кенг жамоатчилик орасида муҳокама этилса, назаримизда, фойдадан холи бўлмасди.

Тўғри, бугун замон ўзгарди. Техника, тараққиёт асрида яшаяпмиз. Одамларнинг онгу тафаккури ҳам ўсган. Шу маънода ҳеч ким бировга "эскича" кийининг, ундоқ бўлинг, бундоқ бўлинг деб ақл ўргатмоқчи ҳам эмас. Фақат... аёллар, қизларимизнинг кийиниши, ўзини тутиши ўзимизга хос бўлсин, ибо,

ҳаё деган тушунчалардан узоқлашмасин демоқчимиз, холос.

Ахир, кўча-кўйда, тўйу томошада (минг узр!) айрим қизларнинг қоринларини очиб юриши "мода"га айланиб бораяпти. Хўш, бу қайси миллатга хос? Умуман, ота-она, ориятли акалар, мактаб, маҳалла, жамоатчилик бу борада нима дейишаркин?

Нигора ИСМОИЛОВА, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси.

МАДАНИЯТ

ИСТЕЪДОД

Қалбларда Ватан меҳри

Она юрт мадҳини куйлаш, Ватан ҳақидаги қўшиқни кўнгилларга етиб борадиган даражада маромига етказиб ижро этиш кишидан алоҳида маҳорат талаб этади. Бунинг учун қалб ҳаяжонига йўғрилган ҳислар ва энг муҳими юракда соф муҳаббат туйғуси жўш уриб турмоғи даркор.

Ўтган ҳафта пойтахтимиздаги "Туркистон" санъат саройида ўнлаб истеъдод соҳиблари ана шундай ҳаяжон ила Ватан мадҳини тараннум этдилар. Пойтахтимиз Тошкентнинг 2200 йиллиги ҳамда Наврўз айёми олдидан ўтказилган ушбу танловда бир-биридан дилтортар, янги қўшиқлар янгради. "Қалбимда Ватан мадҳи" деб номланган ушбу кўрикда 78 нафар профессионал ва ҳаваскор хонанданинг санъатига баҳо берилди. Уларнинг чиқиши ҳакамлар ҳайъати қарорига мувофиқ, тегишли мезонлар асосида баҳолаб борилди.

Кўрик-танловнинг якуний хулосасига кўра, ғолиб деб топилганлар орасида жиззахлик ёш хонанда Акмал Исроилов ҳам бор. У ўзининг бетакрор истеъдоди туфайли нафақат ҳакамлар ҳайъатининг юксак баҳосига сазовор бўлди, балки юрак титроғи ила куйлаган наволари орқали санъат мухлислари қалбини ҳам забт эта олди.

— Ўз она заминини ҳамма ҳам севади, барчанинг ҳам юрак тўрида Ватанга муҳаббат ҳисси мужассам, — дейди хонанда. — Не бахтки, биз санъаткорларга кўнглимиздаги ана шу бебаҳо туйғуни куйга солиб ижро этиш, ўз ҳаяжонимизни ён-атрофдагиларга улашиш бахти насиб этган. Катта саҳнага чиқиб, кўпчилик қаршисида, боз устига Ватан ҳақида куйлаш аслида, осон эмас экан. Бунинг ўзига яраша масъулияти, юки борлигини бугун ҳис этиб турибман. Аввалари устозларимдан куйлаётган маҳалинг ижроингдаги қўшиқ қуруқ баландпарвоз мисралар-у, бақириқ-чақириқдан иборат бўлиб қолмаслиги керак, деган ўгитни кўп бор эшитганман. Ижро этилаётган қўшиқнинг куйнавоси, маъно-мазмуни билан бирга, энг аввало, санъаткорнинг ўз кўнглидаги ҳис ва кечинмаларга ҳамоҳанг бўлиши даркор, дейишарди устозлар. Бугун энг олий ҳакам — томошабин олдида ҳисоб берар чоғда бу ҳақиқатни янада теранроқ англаб етдим.

Акмал бугун ўз истеъдодини муносиб намоён эта олгани, санъати устозлар эътирофига сазовор бўлганидан мамнун. Ва буларнинг барига тажрибали, маҳоратли ижодкорлар қўлида тарбия топгани, улар ўгитига амал қилгани сабаб эканини яхши билади. Энг муҳими, бугун Акмал сингари ёш санъаткорлар танловда иштирок этиб, мухлислар олқишига сазовор бўлиш, катта саҳнанинг ҳаяжонини ҳис этишдек унутилмас таассуротларга эга бўлдилар.

— Бугун юртимизда ҳар бир истеъдод соҳибини қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди А.Исроилов. — Айниқса, биз, ёш санъаткорларни бундай ғамхўрликлар эркин ижод қилиш, юксак чўққилар сари интилишга ундайди.

Муборак ОХУНОВА

Тонгнинг бўёғида безанар фалак...

Мамлакатимизда истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, ёш ижодкорларни кашф қилиш ва маҳоратини юксалтириш мақсадида бадиий тўгараклар ташкил этилгани ибратли. Шу ўринда кўҳна Марғилон шаҳрида фаолият юритаётган Жаҳон отин Увайсий номидаги адабий тўгарак аъзолари ҳам ушбу яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз истеъдодларини намоён этиб келмоқда. Ижод эса бу — доимий изланиш, ўқиш ва ўқиш демак. Албатта, ёш қаламкашларнинг ижод намуналари эҳтимол ҳали мукаммал эмасдир. Аммо улар орасидан вақти келиб катта истеъдод эгалари чиқишига умид бор.

Эътиборингизга марғилонлик ёшларнинг ижод намуналаридан ҳавола этдик. Уларни ўқиш ва баҳолаш сизга ҳавола, қадрли муштарий.

ЁМҒИР

Ҳайрат ҳаяжонни туғиб беради,
Беланчак осади унга ажиблик.
Шунда алласини бошлаб кетади
Бир чеккада турган мулойим жимлик.

Остона ҳатлайди гўзал бир сароб,
Қаварган нигоҳлар узра чўзилиб.
Чим босган йўлакка ёғади ёмғир,
Нимадир кетади шунда узилиб.

Тилсимот равоғи очилади ланг,
Камалак юртидан бир чимдим олиб.
Уйқу бўлиб берар туннинг шарпаси,
Яна бир жумбоқни кафтига солиб.

Зулматнинг кўзидан тўкилади ёш...

Назира МАҚСУД



ВАТАННИ АНГЛАШ

Мағрур қояларга боққанча мағрур,
Асов хаёлларга тутиндим сингил.
Бирдан аразлади юрак қурмағур,
Мени даргоҳига қўймади кўнгил.

Ўзимча ишқ излаб, излаб бир макон,
Булутлар бағрини сайладим олам.
Булутлар ёқамдан тутди ногаҳон,
Шунда ҳам мен мағрур, мен ўзимча кам.

Юлдузлар юртида саргардон кезиб,
Юлдузнинг тиконн кирди оёққа.
Бўлди, ҳасратни кўк тоғига осиб,
Қиз бўлиб кетаман ҳув Олатоққа!

Ўзимча кўп ўйнаб, чарчамаган зот,
Чиқдим ўшал тоғнинг ошоқ бошига.
У менга паноҳ бўлмади, ҳайҳот,
Қуладим қоянинг харсанг тошига.

Қонталаш юзимни сийпалар шамол,
Бошимдан ёғилар дунё қулгуси.
Недандир энтикиб кетдим ўша ҳол,
Карахтман, маст этар тупроқнинг иси.

Ҳайҳот, рўёларга бўлибман эрмак,
Соғинчнинг танидан ечилар кафан.
Англадим, сен менга, мен сенга керак,
Бағринпта мунча кеч топиндим, Ватан!

Бўлди ўйнамайман ҳеч ўзимча ҳам,
Юрак, дафтарингдан кибирни ўчир.
Магар сийнанпта кеч бош қўйган эсам,
Ватан, ўйинқароқ қизингни кечир.

Наргиза ОХУНОВА



Кундузнинг шифтига қуёш ин қурган,
Тонгнинг бўёғида безанар фалак.
Қордек эриб кетган қора қарғалар,
Ёзни олиб келар кифтида лайлак.

Далаларни сарғиш чопонлар қучган,
Қўшиқлар қуюлиб келади сойга.
Ёшин яшаб қўйган қадим қирларда,
Руҳим шамол билан ўйнайди пойга.

Бетизгин шодликнинг қамчисин урар.
Ҳайрат тулпорида кўнгил тилаги.
Гўёки қинидан чиқиб кетгудек,
Кўксимда уради тонгнинг юраги.

Воҳ, қуёшнинг қайноқ боқишларидан,
Юрагимда ёниб кетади алвон.
Чексиз ҳароратни елкага ортиб,
Саҳрода саратон чопади кетмон.

Кундузнинг шифтига қуёш ин қурган...

Абдуманноб МАНСУРОВ

ОТАМГА

Мени кутар уйда соғинч гуллари,
Сарғаяр, тўкилар кўнглингиз билан.
Лаҳзалар ўтади шошиб, ошиқиб,
Телефон қиламан: боролмайман мен.

Этагимдан тортқилаб чорлайди шаҳар,
Дилимни кишанлаб этади банди..
Бўш хонам тунлари мени туш кўрар,
Мен-чи, мен қишлоқи — шаҳар фарзанди.

Кунлар ўтаверар йўлга кўз тутиб,
Умрингиз айланар интизор кўзга.
Ифтихор этасиз шоир қизим деб,
Шоир қиз бирор шеър атолмас сизга.

Олифта қадамлар, эрка қадамлар,
Мени олиб бормас уйимга томон.
Ота маконимни соғиниб-йиғлаб,
Шодон яшаяпман шаҳарда ҳамон.

Мунира ҚЎҚОНОВА

Кўкнинг кулгучлари нурланар кўзда,
Шуълалар таъмига қонар тепалик.
Сарвқат теракларнинг елкаси узра
Саболар дунёча қилар телбалик.

Тўнкага қоқилиб кетар тушмагур...
Фурсат куртакларнинг томини бузар.
Пастқам кулбаларнинг тепаларида,
Қандак ўрикларнинг мазаси сузар.

Бахмал номаларда куннинг дастхати,
Қирларга рўмолин счади фалак.
Кўкламнинг илоҳий кошонасида,
Лолалар ҳақ учун айтарлар тасбеҳ.

Дилшода ҲАЛИМЖОНОВА

ҚАДАМЛАР

Энг катта йўлларда санашар одим,
Энг кичик одамлар — ҳиссиз одамлар.
Эзғилар йўлларнинг юракларини
Бесамар қадамлар, саёқ қадамлар.

Ибодатда собит дарахтзорларда
Ўзин тилкалайди қоп-қора тунлар.
Яна ўз-ўзининг исмин ахтарар
Дийдорталаб кунлар, дийдорий кунлар.

Насимлар тунайди мингинчи бора
Кузакнинг қишлоқдаги айвонларида.
Қайтмоқда қадимий ишқ бағри пора,
Хақнинг олов ютган карвонларида.

Дуогўй шомларнинг дуоларидан
Йилларнинг жонидан қотмиш қароғлар.
Зулматнинг жангидан омон чиқолган
Зафарли тонгларни қутлайди тоғлар.

Энг кичик йўлларда санайди одим,
Энг катта одамлар — ишқли одамлар.
Йўллар юрагида ростланар бир зум,
Музаффар қадамлар, орли қадамлар.

Дилнавоз ҚЎЛДОШЕВА

ЁШЛАР ИЖОДИ

СПОРТ

«ЗЕНИТ» МАҲВ ЭТИЛДИ

Бирлашган Араб Амирликларидаги ўқув-машғулот йиғини давомида Миржалол Қосимов бошчилигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси УЕФА кубоги ва суперкубогининг амалдаги соҳиби Санкт-Петербургнинг «Зенит» клубига қарши ўртоқлик учрашувини ўтказди. Бир маромда бошланган ўйиннинг дастлабки дақиқаларида миллий терма жамоамиз ташаббусни қўлга киритиш учун тез-тез ҳужум уюштириб турди. Мана шундай ҳужумлар ўйиннинг еттинчи дақиқасида ўз самарасини берди. Ўнг қанотдан рақиб жарима майдончасига кириб келган ҳамюртимиз Элдор Магдиев рақиб дарвозасини қўриқлаётган Камил Чонтофальски билан яккама-якка чиқиб, жамоадошларини олдинга олиб чиқди.

Мазкур голдан кейин «Зенит» жамоаси ўйиндаги ҳисобни ўзгартириш мақсадида тинимсиз ҳужумлар уюштиришди. Бироқ, Игнатий Нестеровнинг маҳорати дарвозамиз дахлсизлигини сақлаб қолди. Шунга қарамай, ўйин давомида миллий терма жамоамиз дарвозаси бир марта ишғол қилинди. Лекин гол ўйиндан ташқари ҳолатда киритилгани боис инобатга олинмади.

Эслатиб ўтамиз, бугун Ўзбекистон миллий терма жамоаси расмий ўйинда Осиё чемпионати — 2011 саралаш баҳслари доирасида Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоасига қарши майдонга тушади.



КИМ ҚАНЧА ОЛИШИ АНИҚ

www.sovsport.ru сайтининг тарқатган маълумотларида ёзилишича, жорий йилнинг 2 майида жаҳоннинг энг яхши боксчиларидан бири бўлган филиппинлик Мэнни Пакиао АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида британиялик Рикки Хаттонга қарши рингга чиқади. Мэнни Пакиао ва Рикки Хаттон ўртасида кечадиган мазкур беллашувни мутахассислар 2009 йилнинг энг яхши жангларидан бири бўлишини башорат қилишмоқда. Шунингдек, боксчиларнинг ишончли вакиллари "жанг"нинг мукофот жамғармаси борасида анча вақт бир тўхтамга кела олмай юришганди. Охир-оқибат улар мукофот жамғармасининг 52 фоизини Мэнни Пакиао, 48 фоизини эса Рикки Хаттон олади, деган қарорга келишди. Ушбу баҳсдан ҳар икки спортчи ҳам 25-28 млн. АҚШ долларидан ишлаб олиши кутилмоқда.

Хабарингиз бор, 2005 йилнинг 4 июнида Рикки Хаттон IBF йўналишининг ўта енгил вазн тоифасида россиялик спортчи Константин Цзюни мағлуб этганди. Британиялик боксчининг фаолиятида эса биргина мағлубият мавжуд, холос. Яъни у кичик Флойд Мэйвезор билан бўлиб ўтган баҳсда имкониятни бой берган.

ЧАҚҚОНЛИК ПАНД БЕРДИ

Россиялик Федор Емельяненко ашаддий рақибларидан бири бўлган белоруслик Андрей Орловскийга қарши рингга чиқиб, қоидасиз жанг (бой без правил) бўйича жаҳон чемпионлигини сақлаб қолди. Мазкур беллашув Калифорниянинг Анахаймесидаги "Хонда-сентер" спорт мажмуасида бўлиб ўтди. Дастлабки раунднинг иккинчи дақиқасидаёқ белоруслик спортчи ўзининг антиқа усулида, яъни сакраб тирсаги билан рақибига зарба бермоқчи бўлди. Аммо у буни амалга ошира олмади. Рақиб эса фурсатдан унумли фойдаланиб, ёнбош зарба усулида унинг жағига мушт туширди. Оқибатда Орловский йиқилди. Шундан сўнг, учрашувни кузатиб бораётган ҳакамлар жангни тўхтатишга қарор қилди.

ЛОЙИҲА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Франция сенати кўпчилик овоз билан Формула-1 мусобақалари учун махсус жой қуриш режасини маъқуллади. Янги пойга йўлаклари Париж шаҳридан 45 километр узоқликдаги Ивлин ҳудудида бунёд этилади. Бу лойиҳа иқтисодий бўҳрондан чиқиш режасига ҳам киритилган.

"Формула-1 анъанаси Францияда давом этади. Бу — миллий вазифа", дейилади мазкур лойиҳада. Агар пойга йўлаклари тез орада фойдаланишга топширилса, Гран При Франция— 2011 мусобақасини ўтказишга имконият туғилади.

Эслатиб ўтамиз, бу лойиҳа қурилишини Франция бош вазири қўллаб-қувватламоқда. Шунингдек, экологик нуқтаи назардан лойиҳага қарши чиқаётганлар ҳам йўқ эмас.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

ҲИКОЯ

АРАЗ УНУТ БЎЛДИ

Аёл кийим-кечакларини жомадонга жойлай бошлади. Эр босиб-босиб сигарет тортди. Қовоқ уйганча бир сўз демади. Сўнг хонадан балконга чиқди. Ҳаво совуқ эди. Аммо у буни сезмади ҳам. Шу зайлда туриб узоқ чекди, ўйланди. Бу гал ҳар доимгидек ярашишга баҳона қидирмади. Аёлининг арзимаган гапдан ғалва чиқаришлари унинг жонига теккан эди.

Майли билганини қилсин. Ортиқ хотинининг гапларига эътибор қилмади. Кет демаганидек, қол ҳам демади. Ҳозир у хотинига на ёмон, на яхши гап айтгиси келмади. Ҳатто, аввалгидек, бу машмашалар тезроқ бир ёқли бўлсайди, деб сабрсизлик билан кутмади ҳам. Фақат ёлғиз қолгиси келди. Кўнгли ҳозир фақат шуни тусарди. Шу қадар ёлғиз қолгиси келдики, ҳатто ўзи ўзига ортиқча эди. Хаёлидан ўтаётган турли ўйлар уни ёлғиз қолишига имкон бермасди.

– Дада!

Битта футболкада ўғли балконга чиқиб келарди.

– Совқотиб қоласан, ичкарига кир, – деди мунғайиб унга қараб турган ўғлига раҳми келиб.

– Ойимга айтинг. Чаросларникига бормайлик.

– Боргинг келмаса, борма, – у шундай деб ўғлини кўтариб ичкарига кирди.

– Беринг, болани менга, – жаҳл билан хотини ўғлини қўлидан тортиб олди. Сўнг болани овутмоқчи бўлиб, юзларидан ўпди-ю, бирдан ранги ўзгариб кўзларида изтироб акс этди.

– Рустамнинг иситмаси бор, – деди хавотир билан. У ёғига нима дейишини билмай болани янада маҳкамроқ қучоғига босди.

... Дам ўтмай "Тез ёрдам" етиб келди. Доктор Рустамга иссиғини туширадиган укол қилди. Дорилар ёзди.

Хуллас, ота ҳам, она ҳам болага парвона бўлиб қолишди. Бошқа ҳамма нарса унутилди. Тонгда эр дорихонага жўнади. Аёл нонушта тайёрлашга киришди. Аёл ҳам, эркак ҳам фақат бир нарса ҳақида ўйларди. Тезроқ Рустам соғайса, яна уйни унинг ширин кулгилари тутса. Кўнгилларига бошқа ҳеч нарса сиғмасди. Фақат бир четда мунғайиб турган жомадонгина уларга кечаги аразни эслатиб турарди.

Ҳидоят ОЛИМОВА

РАССОМ ХАНДАСИ



— «Кўримсизгина» бўлса-да уйни битказдим. Энди «кичикроқ» супермаркет ҳам қуришим керак...

Осимжон ВОСИҲОНОВ чизган сурат.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдукаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-53-92, 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-367-374-81-53
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Қашқадарё — 8-375-221-78-50
Тошкент — 8-370-383-97-53
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.50

® — тижорат белгиси.

Адади: 16407 Буюртма — Г-55 12345 78